

علم او گانыш پىرىمىان اوچۇن مىسىز



# الله

5-сон Сафар

Ойлик ижтимоий-маърифий электрон журнал



Митти қорин учун кезилса сарсон,  
Нон ғамида чопса эркагу жувон,  
Боболар битигин кемирса сичқон,  
Улғайиш бўлурми, эй, азиз ўғлон?!

**ҚУРЬОНИ  
КАРИМ**

**Мұхаддис محدث**

**info.islom.uz**

**Зикр ахлидан сұраны**



[www.muslimaat.uz](http://www.muslimaat.uz)

**ISLOM.UZ**

**islam.uz/rus**

**forum**

**e-bozor.com**

[e-adabiyot.uz](http://e-adabiyot.uz)

**halol.com**

**e TARIX.UZ**  
<http://www.e-tarix.uz>

**halol.org**

**arabic.uz**

**NAMOZ  
VAQTLARI**



**Таҳрир ҳайъати:**  
Шайх Мұхаммад Содик  
Мұхаммад Юсуф (раис)  
Тоҳир Малик.  
Эркин Малик.  
Абдулҳамид Турсун.  
Мұхаммад Айюб Усмон.  
Мұхаммад Зуфар.  
Озод Мунаввар.  
Исмоил Мұхаммад Содик  
Анвар Аҳмад



**“Хилол” ойлик электрон журналы. 4-сон.**  
Муассис: “Хилол” нашрёти МЧЖ (Москва)  
Бош мухаррир: Аҳмад Мұхаммад  
Бош директор: Абу Муслим



**5-сон Сағар**

*Ойлик ижтимоий-маърифий электрон журнал*

# СЎЗАМОЛЛИК ФАЗИЛАТМИ?

Яқинда бир илм мажлисда қатнашишга тўғри келди. У билмаганларимизни билиш, билганлардан ўрганиш мақсадида ташкил этилганди. Аммо даврага “адашиб кириб қолган” бир “сўзамол доно”нинг бир соатча бефойда валақлашидан сұхбатнинг тамоман файзи кетди, умидлар чилпарчин, ҳафсалалар пир бўлди. Бир соатли “чироили сұхбат”дан ҳеч нарса ололмадик, аксинча ташлаб келган юмушларимиз, исроф бўлган қимматли вақтимизга ачиниш ҳисси билан тарқалдик.

Замонимиз кўп гапириш, сўзамоллик қилиш фазилатга айланган, сўз бисёrlиги донолик саналган бир замон бўлди. Икки оғиз маълумотни етказиш учун соатлаб йиғилиш ўtkазиладиган, шунчаки маслаҳат тарзида ҳал бўладиган бир масалани кўриш учун катта машваратлар ташкил этиладиган даврда яшаяпмиз. Чойхоналарда,

таъсир этмоқ, ахлоқни ўзгартиromoқ ва ҳоказо яхшиликлар қилимокдир. Ҳолбуки, Ҳазрати Усмон лом-мим демасдан гапирган вақтидагидан кўпроқ фойда келтирди».

Доғистоннинг машҳур шоири Расул Ҳамзатов «Доғистоним» асарида бир воқеани келтиради: шоир Масковда ўқиб юрганида отаси палто олиш учун пул жўнатади. У пулни ишлатиб қўйиб, палто ооломайди. Қишики таътилда Доғистонга борганида отаси олдида ўз айбини оқлаш учун теша тегмаган баҳоналар ахтариб топади, бир-биридан қовушмаган ва ёлғон гапларни тўқиб ташлайди. Охири ҳамма нарсани чалкаштириб юборганини кўрган отаси унинг қийналишига нуқта кўяди: “Тўхта, Расул, сенга иккита савол бермоқчиман”. “Бераверинг...” “Палто сотиб олдингми?” сўрайди ота. “Йўқ”. “Пулни ишлатиб бўлганмисан?” яна сўрайди ота. “Ҳа”. “Мана энди ҳаммаси тушунарли. Боядан



базм-гаштакларда, турли йиғилишларда соатлаб бефойда гапларни сўзлаймиз, қимматли вақтимизни, тансиқ умримизни совурамиз. Нотиқлар, хатиблар, даъватчилар билимдон кўриниш, фасоҳатли гапириш мақсадида икки оғиз сўз билан тушунтиrsa бўладиган фикрларини етказа олмай, соатлаб эзмаланишадиган одат чиқариши. “Ойнаи жаҳон” ва радио бошловчилари ҳам кўп (аммо хўб эмас) сўз ишлатиш пойгасида пешқадамлар сафида. Катталардан нусха кўчираётган фарзандларимиз ҳам тобора маҳмадона, сергап, бемаъни сўзлар гапирадиган бўлиб боришяпти.

Ваҳоланки, аждодларимиз фикрларини, айтмоқчи бўлганларини икки-уч жумла билан ифодалашда шуҳрат чиқаришган. Кўп гапиришни, сўзамоллик қилишини айб, одоблизлик санашган. Бир-икки мисол: Мавлоно Жалолиддин Румийнинг «Ичиндаги ичиндадир» асарида гўзал бир ривоят бор: «Ҳазрати Усмон розийаллоҳу анҳу халифа бўлиши билан минбарга чиқди ва ҳалқ: «Ажабо, нима дер экан?» деб кутди. Бироқ Ҳазрати Усмон индамади. Ақалли бир сўз айтмади. Фақат боқди ва ҳалқда шундай бир ҳол пайдо бўлдики, ҳеч кимда ташқарига чиқишига мадор қолмади. Шу вақтгача қилинган юзлаб хутбалар чоғи бундай ҳол ҳосил бўлмаган, мўминлар бундай ҳол соясида ўзлари учун фойда ва сирларни ҳеч қачон бунчалик кўп кашф этишмаган эди. Усмон розийаллоҳу анҳу йигин тугагунича гапирмади. Фақат минбардан тушаётганида: «Сиз учун фаол иймон маҳмадона иймондан хайрлидир», деди. У ҳақ гапни айтди. Чунки сўз айтмоқдан мақсад бир фойда бермоқ, қалба

бери нима учун шунча бефойда сўзларни гапирдинг, қанча баҳона-сабабларни қалаштириб ташладинг, ахир бор гапни бир жуфт сўз билан ифодаласа бўларкан-ку!”

Инсонлар ортиқча сўзлашдан, беҳуда сўзларни айтишдан қайтарилган. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Ким Аллоҳга ва охират қунига иймон келтирган бўлса, яхши сўз айтсин ёки жим турсин**» деганлар (Имом Бухорий). Абулқосим Замахшарий бундай деган: «Агар тилингни ортиқча сўзлашдан тия олмасанг, унинг жиловини шайтонга топширган бўласан». «Эзмалик калтабинликдир», деган донишманд Қобус. «Ўз тилини идора қиломаган одамда ҳақиқат бўлмайди», дебди ҳиндларнинг давлат арабби Маҳатма Ганди.

Сергаплик ва сўзамоллик фазилат эмас, қусурдир. Чунки сўз кўпайганда мақсад унуптилади. Айрим нотиқлар сўзларни сохта қофиялар билан безаб, ёдлаб олинган сўзларни аямай ишлатиб одамларга ёқмоқчи бўлишиади. Инсоний муносабатларда ва илм мажлисларида бу «донолик»нинг сири тезда фош бўлади. Аммо хатибларнинг хутба чоғида кишилар дикқатини тортиш учун фасоғат ва балоғат билан сўзлаши соҳтакорлик ва қофиябозликка кирмайди.

Ўтмишдошларимиз оз сўзлашни, кўп фикрлашни, сўзлаганда ҳам фақат зарур, рост, фойдали сўзлашни одат қилишган, бошқаларни ҳам шунга чорлашган. Агар ақл кишиларнинг гап-сўзи миқдорига кўра ўлчанганида эди, одамларнинг энг ақллиси уларнинг энг сергаплари бўлар эди. Сўзни қисқа қиладиган бўлсак, сўзамолликдан кўрқайлик!

يَأَيُّهَا الَّذِينَ إِمْنَأْتُمُّ أَمْنًا مِّنْكُمْ عَنِ دِينِهِ فَسُوفَ يَأْتِيَ اللَّهُ بِقَوْمٍ يُحِبُّونَهُمْ وَيُحِبُّونَهُمْ أَذْلَىٰ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ أَعْزَةٌ عَلَى الْكُفَّارِ إِنَّمَا يَجْهَدُونَ كَفَرَهُمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَلَا يَخَافُونَ لَوْمَةَ لَآءِ ذَلِكَ فَضْلُ اللَّهِ يُؤْتَيْهِ مَنْ يَشَاءُ وَاللَّهُ وَاسِعٌ

عَلَيْهِمْ

“Эй иймон келтирганлар! Сизлардан ким динидан қайтса, Аллоҳ албатта Үзи севадиган ва улар ҳам Аллоҳни севадиган қавмни келтиради. Улар мұмінларга хокисор, коғирларга қаттиқұлдирлар, Аллоҳ йүлида жиҳод қилишади ва маломатчининг маломатидан құрқиши майди. Бу, Аллоҳнинг фазли бўлиб, хоҳлаган одамига беради. Аллоҳ фазли-карами кенг ва билувчи Зотдир” (Моида, 54).

## УММАТИНГ ШАРАФЛИ ВАЗИФАСИ

Аллоҳ таоло динининг ер юзида барқарор бўлишини ирода этган. Бу иродани юзага чиқаришда баъзи бандаларини восита – сабаб қиласди. Мана шу шарафли ишга мусулмон уммати танланган. Ким бу шарафни етарли тақдир этса, чин қалбидан ихлос билан бу динга хизмат қиласди. Бу дин йўлида жонини ҳам, молини ҳам бахш этади. Аммо ким бу улкан баҳтнинг қадрига етмаса, турли баҳоналар билан Исломдан қайтса – муртад бўлса, ёмонлиги ўзигадир. Исломга ҳеч қандай зарар етмайди. Қайтага, унга ўхшаган номаъқул шахслардан холи бўлади. Аллоҳ ундаиларга муҳтож эмас.

«Аллоҳ, албатта, Үзи севадиган ва улар ҳам Аллоҳни севадиган қавмни келтиради». Демак, Аллоҳ таоло Үз динининг ер юзида барқарор бўлишига восита қилган бандалари алоҳида сифатларга эгадирлар. Биринчиси – ўзаро муҳаббат. Яъни, Аллоҳ уларни севади, улар ҳам Аллоҳни севадилар. Бу ўзаро муҳаббат энг катта ва қувватли боғланышдир. Аллоҳнинг динига хизмат қилувчиларга, ўша динда мустаҳкам турувчиларга Аллоҳнинг муҳаббати насиб бўлар экан. Дунёда ўзини билган инсон учун бундан улкан баҳт йўқ. Ожиз бир инсоннинг муҳаббатига сазовор бўлган шахс ўзини қанчалар баҳти-саодатли ҳис этади. Биз сўз юритаётган муҳаббат эса, ҳамма бандаларнинг Робби, бутун оламларнинг Холики, икки дунёнинг Молики, барча маҳлуқотлар қатори бандаларнинг ҳам Холики, уларга жон ато қилган, нозу неъмат берган, қиёмат куни ҳисобкитоб қиласидан Зотнинг муҳаббати! Аллоҳнинг маҳбуби бўлишдан юкори баҳт йўқ. Шу билан бирга, бу муҳаббатга эришишнинг фақат бир йўли бор – мусулмон бўлиш, ихлосли мусулмон бўлиш. Аввалги оятда зикр қилинганидек, тили билан иймон келтириб, дилда мунофиқлик ё куфрга кетиш ёки қалбida касаллик билан эмас.

Аллоҳнинг муҳаббатини қозонган бандаларнинг ўзлари ҳам Аллоҳни севадилар. Демак, севги-муҳаббат икки тарафламадир. Аллоҳни севиш қандай улкан баҳт! Бу севги дунёдаги ҳамма севгилардан устун туради. Бу севги жо бўлган қалбда бошқа севгилар ҳам соғлом бўлади. Аллоҳни севувчи одам доимо ўз Махбуби розилиги учун ҳаракат қиласди. Үзиди шундай севги пайдо қила олган одам дунёни ҳам бошқача кўради. Дунёдаги ҳамма нарсани ўз қадр-қиммати билан танийди. Фақат мусулмон инсонгина бундай севгига мушарраф бўла олади. Бошқалар бу баҳтдан бебаҳрадирлар.

Мазкур бандаларнинг сифатларидан яна бири: «Улар мұмінларга хокисор, коғирларга қаттиқұл» дилар. Яъни, Аллоҳ ўз динини Ер юзида муқаррар қилиш учун танлаган бандалари аввало мұмінларга ҳокисор (тавозуъли) бўладилар. Иймон (дин) қардошлари билан ўзаро

муомалаларда мулойим, лутфли, шириңсўз бўладилар. Мехрибон, шафоатлидирлар. Мўмин биродарларига ҳеч озор бермайдилар. Бу ҳоллари улар учун пастлик ёки хорлик эмас, балки Аллоҳнинг дини йўлидаги қардошликлари ҳурмати, диний биродарлик туйғусидир. Бу қардошлик туфайли туғилган мўминлараро муҳаббат тилёғламалик, сунъий муомалалар, ялтоқланишларни ўртадан кўтаради, уларнинг алоқаларини соғ иймон ва Ислом алоқасига айлантиради. Шу билан бирга, мазкур кишилар коғирларга қаттиқұлдирлар. Чунки уларнинг коғирлар билан бўладиган алоқалари якка шахс алоқалари эмас, балки бу доирадан юкори турадиган алоқадир. Яъни, бу ерда гап шахсий алоқа ҳақида эмас, дин устида кетмоқда.

Аллоҳнинг динини Ер юзида барқарор этиш учун танлаб олинган бандаларнинг яна бир сифатлари шуки, улар «Аллоҳ йўлида жиҳод қилишади». Аллоҳнинг динини, шариатини, иродасини Ер юзида барқарор қилиш учун энг зарур нарса – Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилишдир. Аллоҳнинг динини Ер юзида барқарор этиш учун танлаб олинган кишилар шахсий мақсадлар йўлида эмас, фирмә, тоифа, қабилалари манфаати учун эмас, қандайдир тузум ёки «доҳийлар» йўлида эмас, балки фақат Аллоҳ йўлида жиҳод қиласидилар. Улар Ер юзида Аллоҳнинг дини қарор топиши, шариати жорий бўлиши, ҳукми юритилиши учун кураш олиб борадилар, лекин бу осон иш эмас. Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилмоқчи бўлғанларнинг йўлларида тўсиқлар кўп. Энг катта тўсиқлардан бири ўз нафслари дидир. Нафсий тўсиқларининг бошида турли мулоҳазалар, баҳоналар туради. Жумладан, “одамлар нима дер экан, маломат қилишмасмикан” деган хаёллар ўтади. Аммо, бу хаёлларга берилмаслик керак. Чунки, Аллоҳ Ўз динини Ер юзида барқарор этишга ихтиёр қилган бандаларини таърифлаётib: «ва маломатчининг маломатидан құрқиши майди», демоқда.

Аллоҳ йўлида жиҳод қиласидан одамга маломатчиларнинг маломатидан құрқиши нима кераги бор? Маломатчилик кенг тарқалган дард. Нима иш қилсанг ҳам, одамлар баривир маломат этавериши мумкин. Шунинг учун, Аллоҳнинг айтганидан қолмаслик керак. Агар маломатчилар маломатидан қўрқиб, уларга риоя қилинса, жиҳод Аллоҳ учун эмас, улар учун бўлиб қолади. Қолаверса, маломатчилар ким ўзи? Нима қилиб бера олади улар? Бирор ишни бажаришда, уларни баҳолаш ва тақдирлашда Аллоҳнинг йўл-йўриғи лозим ва тақдирни ҳамма нарсадан устундир.

«Бу, Аллоҳнинг фазли бўлиб, хоҳлаган одамига беради. Аллоҳ фазли карами кенг ва билувчи Зотдир». Аллоҳнинг бундай кенг фазли-карамидан баҳраманд бўлган кишилар бу улуғ иноятнинг қадрига етишлари лозим. Бу

ояти карима мусулмонларнинг ноумид бўлмасликлари учун катта далилдир. Аллоҳ хоҳлаган пайтида, хоҳлаган одамлар ила Ер юзида Ўз динини барқарор қилиб олади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларида диндан қайтгланларнинг ва коғирларнинг умидларини пучга чиқариб, ихлосли саҳобалар авлодини олиб келди. Ислом Ер юзида барқарор бўлди. Ҳазрати Абу Бакр Сиддик розийяллоҳу анҳу даврларида баъзи қабилалар диндан қайтди, фитна чиқди ва Ислом хавф остида қолди. Аммо Аллоҳ таоло яна ихлосли мусулмонларни – ушбу оятда сифатлари зикр қилинган зотларни келтириб, динининг Ер юзида барқарорлигини таъминлади.

Бир минг тўрт юз йилдан зиёд тарихи давомида Ислом дини ўзига қарши чиқувчиларни кўп кўрди. Уларнинг ҳаммаси ҳам ўтиб кетди. Аммо, Ислом боқий қолди. Масалан, мўғуллар яшин тезлигига ҳамма жойларни босиб олишди. Шаҳарларни хароб этиб, одамларни қиришди, китобларни ўтга ёқишиди. Улар қархисига чиқадиган қавм қолмади. Уларнинг енгилмаслиги ҳақида афсонаомуз гаплар тарқалди.

Мусулмон тарихчиларнинг ёзишларича, ҳолат шу даражага етганки, бир мўғул кўчада мусулмонни кўриб қолиб: «Хой мусулмон, қиличим уйда қолибди, сен жойингда туриб тур, мен бориб қиличимни олиб келиб сени ўлдираман», деса, мусулмон туриб берган. У қиличини олиб келиб, мусулмонни ўлдирган экан.

Бошқа гувоҳларнинг айтишларича, бир мўғул аёл бир гузар мусулмон эркакни ўлдирган. Ҳатто мусулмонлар орасида, Қуръонда зикр қилинган яъжуҷ-маъжуҷ шулар бўлса керак, деган фикр ҳам тарқалган. Аммо, ўзини билган мусулмонлар ушбу оят ва бошқа ояту ҳадисларга таяниб, умидни узишмаган. Аллоҳ Ўз динини Ер юзида барқарор этиш учун ихтиёр қилган қавмдан бўлиш орзуси ила ўзларида ўша қавмнинг сифатларини мужассамлаштириш йўлида тинмай ҳаракат қилишган, Аллоҳ йўлида жиҳод этиб, маломатчиларнинг маломатидан кўрқишимаган. Айни Жолут номли жойда мўғуллар биринчи бор тор-мор этилган. Сўнгра, аста-секин ҳамма Ислом диёrlари озод қилинган. Ўзига хос мўъжиза ҳисобланган бу ғалабада бошқа омиллар қатори руҳий-маънавий омил алоҳида аҳамият касб этган. Мусулмонлар мўғуллардан ҳарбий жиҳатдан енгилсалар ҳам, юртлари босиб олинса ҳам, руҳий-маънавий жиҳатдан енгилмаганлар, қалбларини мўғуллар босиб ололмаган. Улар: «Мўғуллар мушрик-коғирлардир, аслида, улар ҳеч нарсага арзимайдилар, биз мусулмонлармиз, ҳақ биз билан, биз болиб бўлишимиз керак, аммо бизнинг айбимиз – динга амал қилишдаги камчилликларимиз туфайли мўғуллар вақтингачалик устун келиб турибди. Агар болиб келмоқчи бўлсақ, ўзимизни тузатайлик, айбларимизни йўқотайлик ва динимизга тўлиқ амал қиласайлик», деб тўғри мулоҳаза юритишиди, шу йўлда ҳаракат қилишиди. Оқибатда, Аллоҳ улардан баъзиларини Ўз динини Ер юзида қайтадан қарор топтиришига ихтиёр қилди. Мўғуллар салтанати парчапарча этилди. Аллоҳнинг дини Ер юзида барқарор бўлди.


Кейин Оврупадан Исломга қарши салибчи насроролар чиқди. Рим папаси чақириғи ила Оврупа подшоҳлари жамланиб, куч йиғдилар ва мусулмонларга қарши қатлиом эълон қилдилар. Жаҳон тарихи бунга ўхшаш ваҳшиёна ҳаракатни кам кўрган. Салибчилар номи мусулмон бўлган жон борки, аямай ўлдираверди. Қонлар

дарё каби оқди. Мовий Ўрта Ер денгизи мусулмон қони или қизил тусга кирди. Салибчилар Шомни, Фаластиинни ва бошқа жойларни босиб олиб, юз йиллар давомида ҳукмларини юритишиди. Аммо мусулмонлар салибчиларга нисбатан ҳам худди мўғулларга бўлган муносабатда бўлдилар: «Булар ҳам коғирдир, улар ноҳақдир, ҳарбий ғалабалари вақтингачалик. Биз мусулмонлармиз, биз ҳақмиз. Салибчилардан мағлубиятга учраганимиз уларнинг кучли эканларидан эмас, бизнинг заифлигимиздандир. Динимизга амал қилишда сусткашлик қилишимиздандир», деган фикрда бўлдилар. Шу билан бирга, ўзларидағи нұқсонларни тузатиб, Аллоҳ Ўз динини Ер юзида барқарор қилиш учун ихтиёр қилган қавмлардан бўлишга ҳаракат қилдилар. Оқибатда Аллоҳ таоло асли курд миллатига мансуб мухлис мусулмон Салоҳиддин Айюбий бошчилигида ўзининг йўлида жиҳод қиладиган ва маломатчиларнинг маломатидан кўрқмайдиган бир қавмни юбориб, Ер юзида ўз динини барқарор қилди.

Ҳозирги пайтда мусулмонлар яна бир тушкунликни бошларидан кечирмокдалар. Дунё коғирлари бирлашиб, уларни эзиб турибди. Муртадлар ҳаддан зиёд кўпайган пайти. Ҳар қадамда мунофиқлар. Энг ёмони, руҳий-маънавий ҳолат ҳам бузилган. Ҳозир коғирларга, муртадларга ва мунофиқларга нафрат билан эмас, ҳавас билан қараш одат тусига кирди. Уларга тақлид қиладиганлар ва эргашадиганлар учриди. Айни чокда, руҳий-маънавий устунлигини ҳис этадиган мусулмонлар сони ҳам кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Улар ҳозирги мағлубиятнинг негизини тушунадилар. Маломатчиларнинг маломатидан кўрқмай, ҳар қандай шароитда Аллоҳ йўлида ҳаракат қиладилар.

Ҳозирги нокуляй ҳолатдан кутулиш учун мусулмонлар ушбу оятда зикр қилинган сифатларни ўзларида мужассам этишлари лозим. Бунинг учун эса, тинмай жиҳоду жаҳд, ҳаракат қилиш керак. Ана шундагина Аллоҳнинг динини ер юзида барқарор этишга ихтиёр қилинган қавм пайдо бўлади. Аллоҳнинг ваъдаси яна бир бор зуҳур этади.

(“Тафсири Ҳилол”, 2-жилд, 77-81-бетлар).



## КИМНИНГ ИСЛОМИ ЯХШИ?

Абдуллоҳ ибн Амрдан (розийаллоҳу анху) ривоят қилинади: «Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Кимнинг Исломи яхши?» деб сўради. «Таом берганнинг ҳамда таниган ва танимаганга салом берганнинг», дедилар» (имом Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Насойи ривояти).

**Шарҳ:** Бир киши Пайғамбаримиздан Исломдаги кишининг энг яхши фазилатлари ҳақида сўради. Ислом ўзи яхши нарса, лекин сўровчи ўша яхши нарсанинг ҳам энг афзали ҳақида сўраган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам эса, Исломдаги одамнинг энг яхши фазилатларидан иккитасини айтиб берганлар. Нима учун айнан шу икки нарсани зикр қилганлар? Уламоларимизнинг айтишларича, бирорвга яхшилик қилиш, асосан, икки хил бўлади: Биринчиси, моддий яхшилик бўлиб, унинг энг боши бошқаларни таомлантириш. Иккинчиси, маънавий яхшилик бўлиб, унинг боши салом беришдир, деганлар.

Шу билан биргага, савол берилган жой, вақт ва одамларнинг ҳолати ҳам эътиборга олинган. Айниқса, Пайғамбаримиз бошчиликларида саҳобалар янги ҳижрат қилиб келганларида Мадина мунавварада очлик ҳукм сурар эди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша вақтда бирорвга овқат бериш, очнинг корнини тўйдиршига жуда кўп тарғиб қилганлар. Шунингдек, танигану танимаган одамга салом беришни ҳам лозим санаганлар.

Ислом динининг ушбу икки фазилати ҳақида қанча кўп гапирилса, шунча оз. Чунки бу икки нарса инсониятга кўплаб хайр-барақа келтиради.

Оч кишиларга таом беришни диннинг энг афзал амаларидан қилган яна бошка қайси дин ёки мафкура бор?! Фақат Куръони карим ўз оятларида очларга таом беришни энг яхши амаллардан бири хисоблаган, ўзи муҳтоҳ бўлсада, таомини мискин, етим ва асирларга бериш мусулмондикнинг олиймақом сифатларидан эканини таъкидлаган.

Фақат Ислом дини иймон комиллигини очларга таом беришга боғлаган. Ҳа, фақат Исломгина – Аллоҳнинг охирги ва мукаммал динигина шундай қилиши мумкин. Бу ишни иймон даражасига кўтарган, Ислом тарбиясини топган ҳақиқий мусулмонларнинг дунё ҳалқлари тарихида мисли қўрилмаган даражада сахий бўлишлари ҳам шундан. Фақат Мұхаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дорулғунунларида таҳсил қўрганларгина бу ишни қойилмақом қилиб адо этишлари мумкин.

Очарчилик пайти. Мадина мунаввараға ҳазрати Усмонга тегишли озиқ-овқат карвони етиб келди. Бозор чаққонлигидан хабардор савдогарлар эрталабдан карвонни ўраб олишди. Ким ошди савдоси бошланди. Бир савдогар бир нархни айтди. Мол эгаси ҳазрати Усмон: «Менга бу нархдан юқори нарх ваъда қилинган», дедилар. Савдогарлар бирин-кетин ўз имконлари етадиган нархларни айтиб чиқиши. Ҳаммасига ҳам ҳазрати Усмон розияллоҳу анху: «Менга бу нархдан юқори нарх ваъда қилинган», дедилар. Охири савдогарлар: «Мадинада биздан бошка савдогар қолмади, ким сенга бундоқ юқори нарх ваъда қилди, ахир?» деб сўрашди. Шунда ҳазрати Усмон: «Аллоҳ таоло: ким очларга таом берса, ўн баробар қилиб савоб бераман, деган. Ҳамма молим Мадина фуқаро ва мискинларига садақа бўлсин», дедилар. Қани, ҳазрати Усмондан бошка бу ишни ким ҳам қила олади?

Халифа Умари Одил кечаси ҳеч кимга билдирилмай

одамлар ҳолидан хабар олиб юрарди. Бир аёл овқат топа олмаганидан қозонга қуруқ сув қуийб, тагига олов ёқаркан: «Сабр қилинглар, ҳозир таом пишади», деб болаларни ухлатишига уринаётганини кўрди. Халифа дархол орта қайтиб Байтулмоддан бир қоп таомни ажратиб, ҳамроҳидан қопни орқалатиб кўйишда ёрдам сўради. Ҳамроҳи: «Эй мўминлар амири, ижозат беринг, юкни мен кўтариб борай», деди. Шунда ҳазрати Умар розияллоҳу анху: «Агар қиёмат қуни ўша оиласининг оч қолгани гуноҳини ҳам ўрнимга кўтарадиган бўлсанг, бу юкни кўтар, бўлмаса, ўзимга қўйиб бер, ўзим кўтарай», дедилар. Сўнгра қопни ўзлари кўтариб олиб бордилар. Оддий мусулмонлар, ҳатто ўзи овқатга муҳтоҳларининг ҳам қўлидаги таомини ўзагага тутиши фақат Ислом тарбиясидандир.

«Ассалому алайкум» исломий сўрашиш, исломий табриқдир. Турли халқ, миллат ва элатлар турлича сўрашадилар. Бир-бири билан кўришган одамлар «хайрли эрта», «яхшимисиз», «саодатли бўлинг», каби иборалар орқали ўзаро истак билдирадилар. Лекин ҳеч ким, ҳеч бир тузум, ҳеч бир жамият ёки фалсафа «Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракатуҳу», яни, «Сизга тинч-лик, саломатлик, Аллоҳнинг раҳмати ва баракалари бўлсин», деб сўрашишни ўзининг энг афзал ишларидан қилмаган, ибодат даражасига кўтармаган. Таниса-танимаса, қўрган одамига салом берсин, демаган, салом бериш – суннат, алиқ олиш – вожиб, демаган. Кўринишидан оддийгина бу нарса оламшумул аҳамият кашф этишини мусулмонларгина биладилар.

Ушбу ҳадиси шарифдан олинадиган фойдалар:

1. Муҳтоҳ кишиларни таом билан таъминлаш энг фазилатли иш экани ва бунга тарғиб.

2. Танигану танимаган мусулмонларга салом беришни йўлга кўйиш зарурлиги.

3. Энг яхши нарсаларни билганлардан сўраб ўрганиш кераклиги.

4. Исломдаги амаллар бир-биридан афзал бў-лиши.

Ислом дини ушбу ҳадисда кўтарган икки масаланинг ҳикмати қанчалик катта экани бугунги кунимизда яқол на-моён бўлмоқда. Дунёда ҳар дақиқада бир қанча гўдаклар, кекса кишилар, эркак ва аёллар очлиқдан ўлмоқда. Ҳа, айнан таом етишмаганидан ўлмоқда. Аслида эса, улар таом танқислигидан эмас, Ислом етишмаганидан ўлмоқда. Чунки Исломдан бехабарлар, Исломга амал қилмайдиганлар шунча одам очдан ўлаётган бир пайтда, уларга ўҳшаганлардан бир неча марта кўп одамга етиб-ортадиган таомни исроф қилиб, ташлаб юборишмоқда. Савдогарлар нарх тушмасин, деб ортиб қолган таомларини камбағалларга бермай, бошка йўл билан йўқ қилишмоқда. Очларга таом бериш ҳақидағи хабарларнинг кўпі сохта, риё учун қилинаётган ташвиқот, холос. Исломсиз бу муаммони ҳал қилиш кийинлиги кундан-кунга ойдинлашиб бормоқда.

Салом бериш ва ундан кўзланган мақсадлар ҳам бугунги кунимизнинг жуда муҳим масаласидир. Кишилар бир-биirlари билан яхши муносабатда бўлишлари зарур. Бир-биirlари билан ҳар кўрганда саломлашиб, бир-биirlariga тинчлик-омонлик, саломатлик, Аллоҳнинг раҳмати ва баракасини сўраб туришлари, тинч-тотув, дўст-биродар бўлиб яшашлари лозим.

(“Ҳадис ва Ҳаёт”, 2-жилд, 166-168-бетлар).

## АСРАНДИ БОЛА



Бошқа отона қарамоғига, «фарзандлигига» олиб, тарбия қилинган бола Ислом фиқхидә «асранди бола» дейилади. Етимни, ёки қийинчиликда қолган оиласын боласын олиб, шариат ҳукміга мувоғиқ боқиши, тарбиялаш жуда ҳам савоб иш. Лекин Қуръони каримнинг (Аҳзоб, 4–5) ҳукміга кўра, бирорнинг боласын «ўз фарзандим» дейиш ҳаромдир. Бундай қилган одам гуноҳкор бўлади. Тутинган ўғил фарзанд ўрнига ўтмайди. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло: тарбияга олинган фарзандларни асраб олган одамнинг номи билан эмас, ўз ҳақиқий отаси номи билан чақиринглар, деб тўғри йўлга ҳидоят қиласи. Мабодо асраб олинган боланинг ҳақиқий отаси ким экани маълум бўлмаса, улар сизга Ислом дини бўйича «қардошларингиз ва дўстларингиздир». Илоҳий ҳукм: «дин қардошим» ёки «дўстим» деб мурожаат қилишга буоради, «Ўғлим», «фарзандим» деб мурожаат қилиш дуруст эмас.

Инсон наслини сақлаб қолиши асосий исломий масалалардан

бири бўлганидан никоҳ, талоқ, иdda ва шунга ўхаш кўпгина шаръий ҳукмлар юритилган. Булар ҳаммаси инсон наслининг тоза, пок, очиқ-ойдин ва шаффоф бўлишига қаратилган. Агар шундай қилинмаса, ҳаром-ҳалол аралашиб, ота боласини, бола отасини, она қизини, қиз онасини, aka синглисисини, сингил акасини танимайдиган бўлиб қолади. Инсоният ҳалокатга учрайди. Насли бегона болани ўз наслидан бўлган болалари қаторига қўшиш билан кўпгина ҳаром-ҳарис ишлар юзага чиқади: маҳрамлик номаҳрамлик қоидлари бузилади; бир куни келиб, ота ўз қизига ёки aka синглисига уйланиб қолиши эҳтимоли бўлади; мерос масаласида ва бошқа кўпгина масалаларда ҳам ўнглаб бўлмас хатолар юзага келиши мумкин. Шунинг учун ҳам Исломда бу иш ҳаром қилинган. Айни чоқда, асранди бола бирорнинг «отам» деб танлаши ҳам катта гуноҳдир. Имом Бухорий ва имом Муслим ривоят қилишиларича, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ким ўзи билиб туриб отасидан

бошқанинг боласиман деб даъво қилса, унга жаннат ҳаромдир», деганлар. Шариатда никоҳ ва мэрос масалаларида бундай болалар асраб олган оила учун бегоналар билан баробар. Масалан, бир оиласида асранди ўғил вояга етса, шу оиласидаги «сингилга» уйланиши мумкин. Маълумки, ўз пушти камаридан бўлган ўғлининг хотини, яъни, келини ота учун абадий маҳрам саналади, лекин асранди боланинг хотини тутинган «ота» учун фақат вақтинчалик маҳрам бўлади. Агар асранди фарзанд хотинини талоқ қилса, тутинган ота унга уйланиши мумкин. Худди бегона бир аёлга уйланганидек. Чунки асранди ўғил насласаб жихатидан ҳеч қачон ҳақиқий фарзанд каби бўлолмайди.

Манба: Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. «Тафсири Ҳилол». 2-нашр. 4-жуз. Т., «Шарқ», 2006, 542–600-б.

# АДОЛАТ

“Адолат” сўзи арабча “адл”дан бўлиб, одиллик, ҳаққонийлик, тўғрилик маъноларини англатади. Ҳар ишда одил бўлиш, золим бўлмаслик, ҳақсизлик қилмаслик жуда аҳамиятли, гўзал ахлоқдандир. Хотинига, фарзандига, кўшнисига, ҳалқига, ўзига ва бутун инсониятга ишда ва бошқа ҳар қандай муносабатларда адолатли бўлиш керак. Чунки Аллоҳ таоло адолатга – исломий мутлақ адолатга буюрган (Нахъл, 90). Бу адолатга кўра, ҳар бир шахсга, жамоатга ва ҳар бир қавмга одилона муомалада бўлинади, ҳавои нафсга, дўстлик ёки душманликка, насабга, қудачилик ёки қариндошликка, бойлик ёки камбағалликка, кучлилик ёки заифликка қараб муомала қилинмайди. Ҳамма учун ўлчов бир. Чунки Ислом бутун дунёда адолатни ҳукм сурдириш учун юборилган динdir (Шўро, 15). Бутун борлиқни ўзига хос ўлчов билан яратган Аллоҳ таоло дунёдаги барча инсоний тушунча ва муносабатларни илоҳий адолат ўлчови – Қуръони карим ва Ҳадиси шариф таълимотларига таянган ҳолда Ислом шариати асосида йўлга қўйишга буюрган (Ар-Роҳман, 9). Масалан, ўлчов ва тарозида адолатли бўлиш ҳеч кимга ҳеч қандай оғирлик туғдирмайди (Анъом, 152). Ҳақиқий адолат Аллоҳдан ҳақиқий қўрқадиган

қалб эгасидагина содир бўлиши мумкин. Чунки фақат тақволи кишигини «Албатта, Аллоҳ ишларингиздан хабардор Зотдир» (5:8), деган огоҳлантиришни ҳақиқати билан ҳис этади ва диндор ё динсизлигидан қатъи назар, барча одамлар орасида адолатли ҳукм юритиши бурчи, деб билади (Нисо, 58). «Бир соатли адолатли ҳукм қирқ йиллик ибодатга тенгдир» мазмунли ҳадиси шариф бор. Бу дегани, душманга нисбатан ҳам адолатли бўлиш керак, деганидир. Бу иш унча-мунча одамнинг қўлидан келмайди. Аммо имон, Ислом неъматидан баҳраманд бўлганларга, Аллоҳ таоло розилигини кўзлаб ҳаёт кечираётганларга бу иш ҳам айни кўзланган мақсаддир.

Ҳаётдаги жуда нозик ва масъулиятли иш бўлган гувоҳликда ҳам адолат илиа туриш буюрилган (Нисо, 135).


Исломда кўпхотинли киши иродасига боғлиқ ишларда - ўй-жой ва нафақа масаласида, муомала, бирга ётиш, эр-хотинлик ҳуқуқларини адо этиш ва бошқа шунга ўхшаш масалаларда хотинлари ўртасида тўлиқ адолат қилишга буюрилган. Аммо иродасига боғлиқ бўлмаган масалада — муҳаббат борасида минг уринса ҳам адолат бўлмаслиги таъкидланган (Нисо, 129). Кўпхотинли киши яхши кўрган хотини

билин доимо бирга бўлиб, бошқасини тарқ этиши шариатга тўғри келмайди. Қуръони каримда: «(Мудом) адолат қилинглар! Чунки Аллоҳ адолат қилувчиларни севар», деб марҳамат қилинган (Хужорот, 9).

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Уч тоифа жаннат аҳлидир: адолатга муваффақ бўлган подшоҳ; қариндошлари ва мусулмон биродарларига раҳмли ҳамда қалби юмшоқ киши; болалари кўп ва ўзи муҳтоҷ бўлса-да тиланчилик қилмайдиган киши», дедилар. Албатта, адолатсизлик энг ёмон хулқлардандир.

Сайфуллоҳ АШУРОВ.


**Манбалар:** 1) Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. “Тафсири Ҳилол”. 2-нашр. 1- жуз. Т., «Мовароуннаҳр», 2005, 562–565-б.; 629-б.; 2) Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. “Тафсири Ҳилол”. 2-нашр. 2-жуз. Т., «Мовароуннаҳр», 2005, 25–26-б.; 3) Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. “Тафсири Ҳилол”. 2-нашр. 3-жуз. Т., «Шарқ», 2006, 369-б.; 4) “Ислом”. Энциклопедия. Т., «Ўзбекистон Миллий энциклипедияси» нашриёти, 2004, 20-б.; 5) Маҳмуд Асьад Жўшон. “Ислом, тасаввуф ва ахлоқ”. Т., «Истиқлол», 2000, 133-б.; 6) Абу Закариё Яхё ибн Шараф Нававий. “Риёзус солиҳин (Солиҳлар гулшани)”. Т., «Мовароуннаҳр», 2006, 332–334-б.



## ҒУСЛ



Ғұслнинг «бір нарсанинг устидан сув оқизиш» маъноси бор. Шариатда эса Аллоҳ таолога яқинлик ниятида баданнинг ҳамма ерига сув оқизиб тозалаш ғұсл, дейилади. Инсон шаръян тайин қилинган ҳолларда (масалан, аёли билан жинсий алоқадан сүңг ёки үйкесіда булғаниб қолған бўлса) вұжудидаги нопокликларни кетказиш учун ғұсл қилип тозаланиши шарт. Ғұсл қилиши лозим бўлган одам ғұсл қилмасдан намоз ўқиши, Қуръон ушлаши ёки тиловат қилиши, масжидга кириши ва бошқа ибодатларни адо этиши мүмкін эмас. Ҳаж ва умра учун иҳромга кириш, жума ва ҳайит намозлари олдидан ғұсл қилиш суннат амаллардан саналади.







### Ғұслнинг фарзлари

- офизни (халқумгача ғарфара қилиб) чайиш;
- бурунга сув тортиб (ачишириб) чайиш;
- бутун аъзоларга сув етказиб ишқалаб ювиш.

### Ғұслнинг суннатлари

- ғұслни «Бисмиллах...» билан бошлаш;
- ғұслга ният қилиш;
- икки кўлинини бўғими билан қўшиб ювиш;
- олатни (жинсий аъзони) ювиш;
- бадандаги нажасни ювиг кетказиш;
- таҳорат олиш (оёқлар кейин ювилади);
- баданнинг ҳамма ерига етказиб уч бора сув қуиши;
- сув қуишини бошдан бошлаш, аввал ўнг, сўнгра чап елкага сув қуиши;
- икки оёқни сув тўпланган жойдан ташқаридан алоҳида ювиш;
- сочи ўрилган аёл бошининг ўзини (соч тагини) ювиши кифоя, лекин сочи ёзиқ бўлса, сочнинг ҳаммасини ювади.



### Қандай ҳолларда ғұсл қилинади?

- жинсий аъзодан шиддат ва лаззат билан маний (уруғлик суви) отилиб тушса;
- бир авратнинг боши иккинчи авратга кирса, яъни жинсий алоқа қилинса (бунда ҳар икки томонга ҳам ғұсл лозим бўлади);
- уйқудан уйғонган киши булғаниб, ўз кийимида маний ёки мазий кўрганида (булғанганини билмаса ҳам);
- аёлларда ҳайз тўхташи билан;
- нифос (туққандан кейинги қон) тўхташи билан.

### Ғұсл қилиш суннат бўлган ўринлар

- жума намози учун ғұсл қилиш суннат;
- рамазон ва қурбон ҳайитлари намози учун ғұсл қилиш суннат;
- ҳаж ва умра учун иҳромга кириш мақсадида ғұсл қилиш суннат;
- Арафотда (ҳаж пайтида) туриш учун ғұсл қилиш суннатдир.



# ХОРАЗМШОҲЛАР ДАВЛАТИ

Амударёнинг қуёи ўзанидаги кейинчалик Хива хонлиги пайдо бўлган ҳудудда жойлашган Хоразм суформа дехқончиликнинг фаровон ўлкаларидан саналарди. Саҳрова чўллар уни ташки оламдан узиб қўйган эди, бу ҳолат эса Хоразмга узоқ вақт мобайнида мустақил сиёсат юритиши имконини берди. Хоразм Ислом тарихида ҳижрий 93 йилдан, Қутайба ибн Муслим етакчилигидаги араб фотихлари кириб келганидан эътиборан тилга олина бошлади.

Ҳижрий тўртинчи асрда Амударёнинг сўл соҳилидаги Гурганж (Урганч) шахри катта иқтисодий ва сиёсий аҳамият касб этди. Ўша пайтда У Сибир ва Русия жанубидан чўллар орқали келадиган карвон йўлларининг сўнгги бекати эди. Маҳаллий Маъмунлар сулоласи ҳижрий 385 йили Афригийларни ағдариб, ўзига “хоразмшоҳлар” унвонини олди. Аммо Маъмунийлар ҳукмронлиги узоқ давом этмади ва Хоразм расман Сомонийлар қўл остида қолди. Ҳижрий 408 йили Маҳмуд Фазнавий Хоразмни ўз салтанатига қўшиб олишга қарор қилди ва Маъмунийлар ҳукмронлиги ниҳоясига етди. Тахминан йигирма йилча Хоразмда ғазнавий ҳокимлар ҳукмронлик қилишди. Ҳижрий 432 йили И smoil Xandon ibn Oltintosh ҳокимлик қилган вилоят ўғуз ҳукмдорларидан, Сирдарё соҳилидаги Жанда шахри ҳокими Шоҳ Малик қўлига ўтди, аммо ўша йили ёк Шоҳ Маликни салжуқийлар ағдариб ташлаши ва Хоразмга ўз ҳокимларини тайинлай бошлаши.

Ҳижрий 470 йиллар атрофида Ануштегин Жарчой Хоразм ҳокими этиб тайинланди. У салжуқийлар султони Маликшоҳ саройида ҳаммомлар назоратчиси вазифасида эди. У салжуқийларнинг ғазнавийларга қарши урушида иштирок

этди. Урушда одинига салжуқийлар мағлубиятга учраши, кейинчалик эса, зафар қозониши. Бунда Ануштегиннинг хизмати катта эди. Султон Маликшоҳ миннатдорчилик рамзи сифатида унга Хоразм ҳукмронлигини топширди. Ануштегин Хивада ўз вазифасини бажаришга кириши ва умри охиригача ҳокимлик қилди.

Ҳижрий 490 йили у вафот этганидан кейин ҳокимият қисқа муддатга турк волийларидан Экинчи ибн Қўчқор қўлига ўтди. Кейинроқ вилоят ҳокимлигига Ануштегиннинг ўғли Қутбиддин бош бўлди. У тадбирли киши эди, шу боис салжуқийлар султони Берка Яруқ уни Хоразм ҳокимлигига қолдириб, уни шоҳ унвони билан шарафлади. Хурросон устидан назорат салжуқийлардан Санжар қўлига ўтгач, у ҳам Қутбиддиннинг ваколатини тасдиқлади.

Унинг ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳрда Самарқанд ҳокими мусулмон динига тўғри келмайдиган ёвузликларни қилди. Шунда у қўлга олиниб, қозилар маҳкамасига тортилди ва ўлим жазосига ҳукм қилинди.

Ҳижрий 521 йили Қутбиддин ўрнини унинг ўғли Отсиз эгаллади. У бошда отаси сиёсатини давом эттириди, кейинчалик эса салжуқийларга қарамликдан қутилишга интила бошлади. Султон Санжар уни тахтдан четлатди, аммо кўп ўтмай Отсиз Хоразм устидан ҳукмронликни қайта қўлга олди. Ҳукмронлигининг охирги йилларида У қудратли подшоҳга айланди, унинг ҳукмронлиги Форс ва Хузистондан ташқари мусулмон дунёсининг бутун шарқий ўлкаларига ёйилди. Отсиз вафотидан кейин

Хижрий 551 йили унинг ўғли Ил-Арслон ҳокимиятга келди. Унинг ҳукмронлиги даврида давлат чегаралари аста-секин кенгая борди, Хоразм осойишта ва гуллаб-яшнаган диёрга айланди. Хоразмшохлардан Ил-Арслон хижрий 567 йили вафот этди.

Ҳукмдор вафотидан кейин таҳтга унинг норасида ўғли Султоншоҳ Муҳаммад ўтириди. Унинг онаси ўғли номидан мамлакатни бошқарди. Лекин ўша йили ёк Муҳаммаднинг акаси Алоуддин Текеш Хоразмда ҳокимиятни қўлга олди. Хижрий 590 йили салжуқийларнинг Ироқдаги давлатини тугатди, сўнгги салжуқий сulton Тўғрул Иккинчи ўлдирилди.

Хижрий 596 йили Текеш ўрнини унинг ўғли Алоуддин Муҳаммад эгаллади. 605 йили у Ҳиротни эгаллади ва ғурийлардан Фиёсиддин Маҳмуд билан жанг қилди. Маҳмуд мағлубиятга учраб, ўлдирилди. Шундан кейин Муҳаммад Мовароуннахр шимолидаги Хатига бостириб бориб, маҳаллий қабилаларга қақшатғич зарба берди. 611 йили у Кирмон, Миқрон, Синди эгаллади, 612 йили эса Фазнани қўлга киритди.

Ўз давлати чегараларини хийла кенгайтириб олган Алоуддин Муҳаммад Ислом оламида бир вақтлар салжуқийлар эгаллаган мартабага даъвогар эди. У халифа Насрдан алоҳида мақом талаб қилди, бироқ у Муҳаммаднинг талабини қондиришдан бош тортди. Шунда Муҳаммад ўз мамлакатида аббосий халифа Наср номини хутбага қўшиб ўқиши тақиқлади, шиаликни қабул этганини эълон қилди ва Али ибн Абу Толиб авлодларидан бирини халифа деб тан олди. Шундан кейин у халифа Насрга қарши юриш бошлади, бироқ Бағдодгача етиб боролмай, ортига қайtdi.


Айнан Алоуддин Муҳаммад олдинига мўғул савдогарларни, кейинроқ Чингизхон элчиларини

ўлдиришга фармон бериб, мўғулларнинг бостириб киришига сабабчи бўлди. Шу сабабдан мўғуллар босқини бошланиб кетди ва бу нафақат хоразмшоҳлар давлати, балки бутун Ислом оламига катта фожиага айланди. Алоуддин Муҳаммад мўғулларни тұхтатиб қололмади ва улар Хурносонга бостириб киришиди. Хоразм шоҳи Каспий денгизидаги ороллардан бирига қочишига мажбур бўлди ва хижрий 617 йили ўша ерда вафот этди. Унинг ўғли ва меросхўри Жалолиддин Мангуберди ҳам у билан қочди, Орадан икки йил ўтиб Хоразмга қайтиб келди ва мўғуллар билан жанг қилди. Аммо мағлубиятга учради ва қолган-қутган аскарлари билан Ҳиндистонга қочди. Бу гар мўғуллар уни таъқиб қилишга тушди ва Жалолиддин аскарларидан кўпи Ҳинд дарёсида чўкиб кетди.

Кейинчалик Жалолиддин Мангуберди Хоразмга қайтиб, Гурганжни эгаллади. У барча мусулмон ҳукмдорларни мўғулларга қарши бирга жанг қилишига чорлади, аммо улар саркарда даъватига жавоб қилишмади. Шуни ҳам айтиб ўтиш керак, Жалолиддининг ўзи укаси Фиёсиддин, аббосий халифа, Кирмон ҳокими ва туркманлар билан душманлик кайфиятида эди.

Орадан кўп ўтмай, Жалолиддин яна мўғуллардан енгилди ва яна қочишига мажбур бўлди. У хижрий 629 йили Курдистонда бир деҳқон томонидан ўлдирилди. Хоразмшоҳлар ушбулар ўтиш керак, Жалолиддининг ўзи укаси Фиёсиддин, аббосий халифа, Кирмон ҳокими ва туркманлар билан душманлик кайфиятида эди.

Ойдин Ориф ўғли АЛИЗОДА,  
фалсафа фанлари доктори (Боку).



# ФУРАЙХО БИНТИ МОЛИК

## ФАЗИЛАТЛЫ ХОНАДОН ҚИЗИ

Бу аёл Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сұхбатларидан баҳраманд бўлиш шарафига эришган, икки дунё соодатини қўлга киритган, Аллоҳга берган аҳдига умр бўйи содик қолган улуғ саҳобиялардан эди. Унинг насл-насаби машҳур, ўзи ансорийлардан эди. Ансорийлар маккалик муҳожирларни севиб қабул қилган, улар муҳтож бўлиб туришганида ўзларидаги бор нарсани улар билан баҳам кўрган, уйининг тўридан жой берган, оғзидағи луқмасини тутган, ҳатто касби-корига ўргатган мадиналик мусулмонлар эди. Иймон билан шарафланишганидан сўнг Аллоҳ таоло уларни қалбларига сўюмли бир ном – «ансорийлар» (Аллоҳ йўлида ёрдам берувчилар) лақаби билан тақдирлади.

Ансорийлар Маккада биринчи бўлиб Исломни таниган, бунинг орқасидан катта хўрлик-машаққатлар чеккан ҳамда она-шаҳарлари, яқинлари, мол-мулкларини ташлаб Мадинага ҳижрат қилган муҳожирлардан фазлда кейинда туришса-да, аммо уларнинг диндошларига кўрсатган фазлу қарами, меҳр-шафқати, хайриҳоҳлиги ва фидойилиги тилларда зарбулмасал бўлиб кетган эди. Муҳожирлар ҳам ўз навбатида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кўрсатмаларига биноан яхшилик ва қарам булоғи бўлмиш ансорийларнинг ҳаққига дуолар қилиб, уларнинг хизматини мукофотлашни Аллоҳ таолонинг Ўзига ҳавола этишган эди. Бизнинг қаҳрамонимиз саҳобия Фурайҳа бинти Молик розийаллоҳу анҳо ҳам ана шу мақтовга сазовор қавмга мансуб эди.

Фурайҳа бинти Молик ибн Синон ал-Ансорий ал-Худрия (розийаллоҳу анҳо) ҳамма ерда барча яхшиликни биринчи

бўлиб бажарадиган машҳур хонадонлардан бирида улғайди. Ва Ислом тарихи мана шу аёлнинг баракотидан эзгулик тўлиб-тошган воқеа-ҳодисалар билан бойиди. Фурайра ўсган оиланинг Ислом динини ёйиш соҳасидаги хизматлари ўзи алоҳида китобларга мавзу бўлғусидир.

Саҳобиянинг отаси Ҳазрати Молик ибн Синон ибн Убайд ал-Ансорий ал-Хазражий ал-Худрий (розийаллоҳу анҳу) жаннат билан башоратланган буюк саҳобийлардан эдилар. Суюкли Набийимиз (соллаллоҳу алайҳи васаллам)

Уҳуд куни жангда янгилик киритган, Пайғамбар алайҳиссалом билан бирга барча ғазотларда қатнашган эди. У оз сонли камончилардан бўлиб, Уҳуд жангиди бир кўзи оқиб тушди. У шу ҳолатда Расулуллоҳ ҳузурларига боради. Пайғамбаримиз муборак қўллари билан кўзини жойига қўйиб, силаб қўядилар. Унинг кўзи тузалиб, аввалгидан ҳам ўтқир назар бўлиб қолган.

Саҳобиянинг она бир опасига келсак, Умму Саҳл бинти Нўймон ал-Ансория аз-Зафария (розийаллоҳу анҳо) ҳеч иккиманмай имонга келиб, Ҳазрати Расулуллоҳга байъат қилган соадатманд аёллардан эди. Хулласи, ҳикоямиз қаҳрамони Фурайҳа бинти Молик ана шундай улуғ ва шарафли бир хонадоннинг фарзанди бўлган.

Молик ибн Синон ҳали Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳали Мадинага ҳижрат қилмасларидан туриб оила аъзоларига у зот ҳақларида тўлқинланиб сўзлаб берарди. Чунки у киши ҳақларида мадиналик яҳудийлардан эшитган эди. Отасининг гапларидан оила аъзолари, хусусан Фурайҳа зеҳнида Аллоҳ элчисининг муборак сиймолари гавдаланар эди. Набий алайҳиссалом Мадинага етиб келишлари билан Молик у зот билан учрашувга ошиқди. Барча оила аъзолари, жумладан қизи Фурайҳа ҳам унга ҳамроҳлик қилишди. Айниқса Фурайҳа Расули акрам билан учрашувни ўйлаб, ҳаяжонга тушар, нияти у зотга байъат қилиш эди.

Имон билан шарафланган бу оила Расулуллоҳ наздларида баланд мақомга эришди ва у кишига энг яхши сафдош бўлди. Улар Аллоҳ ва Унинг Расули розилиги йўлида қўлларидан келганича, қодир бўлишганича кўп ишларни қила олишди. Бу муборак оиласдан жасур жангчи, дин фидойиси, мұхаддис, тақволи обидлар етишиб чиқди.



унинг ҳақида: «Ким жаннат аҳлидан бўлган кишини кўрмоқчи бўлса, мана бунга қарасин», деб Молик ибн Синонга ишора қилганлар. Унинг туғишиган акаси муҳоҳидлар имоми, Мадина муфтийи, Абу Саид Худрий куняси билан машҳур бўлиб кетган Саъд ибн Молик ибн Синон (розийаллоҳу анҳу) эди. Абу Саид Ҳандақ ғазоти қаҳрамонларидан, Ризвон байъати ҳақида энг билимдонлардан, Пайғамбар алайҳиссаломдан 1170 та ҳадис ривоят қилган улуғ саҳобий, мужтаҳид фақиҳлардан эдилар.

Фурайҳанинг она бир акаси эса муҳоҳидлар амири, улуғ саҳобий Қатода ибн Нўймон ал-Ансорий ал-Зафарий (розийаллоҳу анҳу) эди. Бу зот Бадр ғазотининг энг кўзга кўринган қаҳрамонларидан бўлган,

## Чиройли сабр

Молик ибн Синон Бадр жангида қатнаша олмаган зди. Чунки Бадрда жанг бүлмайды, деган хәёлга борганди. Ухуд куни у Аллоҳнинг розилиги йўлида олий мақомга эришиш учун фурсат келганини тушунди. Мушрикларга қарши жанг олдидан бўлган машваратда у олдинга чиқиб бундай деди: «Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳга қасамки, биз ҳозир икки яхшилик ўртасидамиз. Бири – Аллоҳ душман устидан биз истаган зафарни бериб, уни бизларга таслим қиласди. Бунда худди Бадрдагидек бир жанг бўлиб, ундан фақат қочоқларгина тирик қолишади. Бошқаси эса – бизга чиройли ўлим неъматини бериб, жонимизни шу жангла олади. Бу иккисдан қай бирига йўлиқишимнинг менга аҳамияти йўқ. Албатта уларнинг икковида ҳам яхшилик бордир».

Ҳазрати Молик ўғли Абу Саидни ҳам бошлаб олган зди. Лекин Расуллороҳ (соллаллоҳу алайҳи вассаллам) ёши кичиклиги учун бир неча ёш болалар қатори унга ҳам урушда қатнашишга ижозат бермадилар. Абу Саид бундан афсусланиб, кўзида жиққа ёш билан ноилож уйига қайтди. Буни кўриб турган Фурайҳа укасининг кўз ёшларини артар экан, унга тинмай тасалли берар, ўзи эса жангга кетган отасидан хабар кутар эди.

Молик ибн Синон уруш шиддатли тус олган таҳликали дамларда Набий алайҳиссалом ёнларида мардларча жанг қилди. У зот яраланганларида муборак юзларидан қон оқаётганини кўриб, уни тезда артиб-тозалаб олган ҳам Молик зди. У ниятига эришди: улуғ муҳорабада қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Аллоҳ билан қовушаётганида унинг юзида табассум ўйнار, ҳолсиз қўллари буюк муҳаббат ила севгани Расули акрамнинг юзларини оҳистагина силар эди.

Абу Саид Пайғамбар алайҳиссаломнинг Ухуддан қайтаётгандар хабарини эшитгач, у зотга пешвоз чиқди. Расуллороҳ йигитчага қараб: «Сен Моликнинг ўғли Саидмисан?» дедилар. У: «Ҳа, Аллоҳнинг Расули», деб отда турган Набийнинг тиззалиридан ўпди ва: «Отаном сизга фидо бўлсин!», деди. Шунда Пайғамбар алайҳиссалом: «Отанг сабабидан Аллоҳ сенга ажр берсин!», дедилар. Фурайҳа эса жангда жуда кўп мусулмонлар, улар қаторида севикили оталари ҳам ҳалок бўлгани туфайли Аллоҳнинг Расулига катта азият етганидан қанчалик қайғурган бўлса, у зотнинг саломат қайтганларидан шунчалик севинди, Аллоҳга ҳамдлар айтди. Икки фарзанд оталарининг ўлими туфайли етган мусибатга чиройли сабр қилишди...

Оталари оила аъзоларига ҳеч нарса қолдирмай дунёни тарқ этган зди. Гоҳо улар уйда ҳатто бирор егулик нарса ҳам топа олмай қолишарди. Эскириб-тўзиб кетган кийимларини янгилашга ҳам имконлари йўқ зди. Аммо улар Аллоҳнинг бу синовига ҳам сабр этишар, садақа сўрашдан ҳаё қилишар, ўзларини беҳожат кўрсатишар эди. Шундан сўнг Аллоҳ уларни бой-бадавлат қиласди. Чиройли сабрлари ва Расуллороҳга ихлос-садоқатлари баракотидан бошқа ансорларга қараганда ҳам кўпроқ мол-давлатга эга бўлишди.


## «Нима дединг?»

Фурайҳа Саҳл ибн Рофеъ ибн Бишр ал-Хазражий деган кишига турмушга чиқкан зди. У билан бир муддат яшагач, эридан ажраб қолди. Саҳл қочиб кетган қулларини излаб йўлга чиққанида қўлга тушиб қолишдан кўрқкан қуллар уни Мадина яқинидаги ўлдириб кетишиди. Унга эрининг ўлими ҳақида хабар келганида у эрига Аллоҳдан савоб умид қилиб сабр этди. Ёлғиз ва ёрдамчисиз қолган аёл уйига, яқинлари олдига қайтишини ўйлади. Аммо ўз режасидан кўнглида нохушлик сезиб, бу ҳақда Расуллороҳдан маслаҳат сўрашни диллади.

Имом Молик «Муватто»ларида бу воқеани Зайнаб бинти Каъб ибн Ужрадан санад билан бундай ривоят қиласидилар: «Фурайҳа бинти Моликнинг Зайнаб бинти Каъбга сўзлаб беришича, у Расуллороҳ ҳузурларига келиб, эри қочиб кетган қулларини қидириб, уларга Қодим тарафда етиб олганида қуллар эрини ўлдиришгани хабарини маълум қиласди. Фурайҳа эри уйсиз-жойсиз, нафақасиз қолдириб кетганини туфайли Бани Худрадаги ота хонадонига қайтсан бўладими, деб ижозат сўрайди.

Пайғамбар алайҳиссалом унинг қайтишига изн берадилар. Фурайҳа айтади: «Мен ортимга қайтиб, уйимга етай деганимда Расуллороҳ чақираётгандар хабарини етказишиди. Ҳузурларига борсам: «Боя нима дединг?» деб сўрадилар. У кишига эрим билан боғлиқ воқеаларни гапириб бердим. Шунда у зот: «То идданг тугамагунича ўйингда ўтиргин», дедилар. Уйимда тўрт ойу ўн кун иддада ўтиридим». Яна Фурайҳа бундай деган: «Усмон ибн Аффон халифалиги даврида мени чақиртириди ва бу ҳақда сўради. Унга Расуллороҳ гапларини етказдим. У бу хабарга эргашди ва у билан ҳукм қиласди».

Фурайҳа Набий алайҳиссаломнинг амрига бўйсуниб, эрининг ўйида тўрт ойу ўн кун идда сақлаб ўтириди. Иддаси тугагач, унга Саҳл ибн Бишр деган киши ўйланди. У анзорийларнинг Бани Зафар қабиласидан зди. Фурайҳа мурғак Исломнинг барча босқичларидаги эрига тобеъ бўлди, дин изн берган ҳамма ишларда унга шерик бўлди.



## Жаннат башорати

Фурайҳа бинти Молик Расулуллоҳнинг мажлисларида иштирок этиб, нубувват мадрасасида таҳсил олган баҳтиёр саҳобиялардан эди. Кучли ҳофиза ва соғлом тафаккур соҳибаси бўлган бу аёл Пайғамбар алайҳиссаломдан 80 та ҳадис ривоят қилган. Ундан эса Зайнаб бинти Каъб ибн Ужра ривоят қилган. Эри ўлган аёлнинг иддаси ҳакидағи юқорида тилга олинган ҳадис ҳам ана шу икки саҳобия ривояти орқали бизгача этиб келган. Фурайҳа ривоят қилган ҳадисларни Миср, Ироқ, Шом, Ҳижоз ва Мадина фақиҳлари қабул қилиб, ундан ҳукм чиқаришган.

Фурайҳа жаннат башорати ила шарафланган саҳобиялар сирасига киради. У ҳижратнинг олтинчи йилида Ҳудайбияда, дараҳт остида Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи васаллам) байъат қилган бир гурӯҳ саҳобиялар сафида бўлган. Бу воқеа мушриклар мусулмонларни Маккаи мукаррамага киришдан тўсиб

кўйган пайтда содир бўлганди. Ана шу байъатда иштирок этгандарнинг барчаси аҳли жаннатдан ҳисобланади. Чунки Аллоҳ таолонинг бундай ояти каримаси бор: «(Эй Мұхаммад), дарҳақиқат Аллоҳ мўминлардан улар дараҳт остида сизга байъат қилаётган вақтларида рози бўлди. У Зот уларнинг дилларида нарса (садоқат ва вафо)ни билиб, уларга сакинат – ором туширди...» (Фатҳ, 18).

Набий алайҳиссалом Фурайҳа ва у билан бирга байъатда ҳозир бўлган саҳобияларга жаннат башоратини бердилар. Умму Мубашшир ал-Ансориядан ривоят қилинишича, у киши Расулуллоҳнинг Ҳафса ҳузурида бундай деганларини эшитган: «Иншааллоҳ, дараҳт остида байъат қилганларнинг ҳеч бири дўзахга кирмайди».

Аҳмад Холид Жумаънинг **«Жаннат ила башоратланган аёллар»** китобидан Юлдуз Комил қизи таржимаси.



Инсон ҳур туғилади ва ҳурлигича вафот этади. У туғилмасыдан олдин ва ўлими олдида унинг ҳурриятига Аллоҳдан ўзга ҳеч бир зот дахл қилолмайди. Машхүр шоир айтганидай: "...ки сен ҳам ҳур туғилғонсан". Инсон Аллоҳ таоло белгилаган чегараларга кўра ҳамма нарсада ҳур: у эҳтиросларини сўндириш, ғазабини жиловлаш, қалби билан курашиш, бад ниятларини даф қилиш, яхши амалларини кўпайтириш ихтиёрига эга. Инсон ўз бойликларини, ҳатто ўз жисмини қурбон қилиш эркига эга. Ҳақиқат ёки ёлғонни гапириш, таъқиқланган нарсалардан юз ўгириш, яхши ва ёмонни танлаш ихтиёри ҳам унинг ўзида. У назарини бегона чеҳралардан ўгиришга қодир. Тилини сўкишлардан, гийбат ва бўхтонлардан асрой олади. Яна у нафси сўзига кириш ва кирмаслик, шайтон йўлидан юриш ва юрмаслик ҳурлигига ҳам эга. Бу масалаларда ҳамма озод, аммо бу ишлари учун охиратда ҳисоб беради ва барча масалаларда Аллоҳ таоло ҳаммани қаттиқ сўроқ қилади.

Аммо бу ерда сўз бораётган озодлик нисбий тушунча, аслида мутлоқ озодлик дегани эмас, бу ҳурлик батамом, мутлоқ ҳурриятни англатмайди. Инсон ўз мажбуриятларидагина озод, ҳурдир. У улғая бошлиши билан унинг ҳурриятини чеклайдиган, эркинлигига хавф соладиган турли катта-кичик омиллар, сабаблар пайдо бўла бошлайди: "буни қилма, қонунларга зид", "уни қилма, жамият устингдан кулади", "бундай йўл тутма, чегарани бузягсан", "ундай қилма, ўзгаларни хафа қиляпсан". Биз масъулиятни ҳис этамиз ва қилган хатоларимиздан афсусланамиз. Қачон эзгу амалларни қилсак, рухимиз таскин топади. Жуда кўп имкониятларимизни сарҳисоб қиларканмиз, биз ҳар лаҳзада ниманидир танлаймиз. Чунки тафаккуримизнинг энг муҳим вазифаси – танлаш, бир нарсани бошқасидан афзал қўришдир. Бу озодликни яна шу нарса тасдиқлайдики, қалбни ўзи ёқтиргмаган бирор нарсани севишга асло мажбуrlаб бўлмайди. Аёл кишини дўйк-пўписа, калтаклаш билан ечинтириш мумкин, лекин уни ҳеч қандай куч севишга мажбур қилолмайди. Бунинг маъноси шуки, Аллоҳ таоло қалбларимизни турли-туман зўрлов ва мажбуrlашлардан халос қилган, яъни У уларни озод қилиб яратган.


Шунинг учун Аллоҳ таоло қалб ва унинг интилувларини тафаккурининг асоси қилган. Жазо билан қўрқитиб динидан чиқарилган диндор, агар у иймонсизлик ва шубҳалардан холи бўлса, бунинг учун жазоланмайди. Шунинг учун Аллоҳ таоло: «Лекин ким қалби иймон билан ором олгани ҳолда (куфр калимасини айтишга) мажбур қилинса, (унинг иймонига зиён етмас)» деган. (Наҳл, 106).

Асл ҳурлик ўзи нима? Инсон қачон батамом ҳур, озод бўла олади? Ислом мутафаккирлари бу саволга бундай жавоб беришган: "Чинакам ҳурлик Аллоҳга қуллик қилишдадир". Инсон Аллоҳга қуллик қилмас экан, бандаларга, шайтонга ё нафсига қуллик қилишга мажбур. Мусулмон тафаккури донишмандлари наздида имонгина, Аллоҳга бандаликкина инсонни одамларга қуллик хорлигидан Аллоҳга қуллик шарафига, махлуқга қул бўлиш баҳтсизлигидан Аллоҳга бандалик саодатига олиб боради. "Агар инсонлар Аллоҳнинг улуғлиги ҳақида фикр юритганларида, Унга исён қилмас эдилар", деган Бишр Хофий. "Менга тақдир ҳукмларига рози бўлишдан ўзга ҳурсандчилик қолмади" дейди Умар ибн Абдулазиз. "Юксалмоқ юксакларга кўнгил бермоқдан бошланади" деб ёzáди Али Суад. Қобуснинг эса мана бундай гапи бор: "Келиш ва кетиш – ҳаёт ва ҳуррият, тўхтаб қолиш эса ўлимдир".

Аллоҳга бандалик, қулликкина инсон шарафини улуғлайди, унинг мартабасини кўтаради, инсонларга мутеълик шармандалигидан халос этади. "Маънавий қулликдан шармандалироқ мутеълик йўқ", деган Сенека. Аллоҳга бандалик, Яратган Холиқа, буюк Парвардигорга қуллик қилмайдиганлар "чинакам ҳурриятга эришганмиз", дея ўйласалар-да, билиб-бilmagan ҳолда бошқа нарсаларнинг қулига айланиб бўлишган. Масалан, Аллоҳга бандалик қилмайдиган киши аслида шайтоннинг ёки нафсининг қулидир. Аллоҳга исён, итоатсизлик қиляптими, демак, шайтоннинг йўлига кириб бўлган: Аллоҳ буюрганига қарамай, гуноҳдан қайтмайди, ёмон йўлларда юради, бузуқлик қилади, У зот ҳаром қилган нарсаларни истеъмол қилади. Шайтонга ва нафсига қул бўлганлар учун гўёки бу дунё ҳаёти мавжуд, холос. Улар ўзларини ким яратгани, нега дунёда келгани, охират дунёсидаги оқибат нима бўлиши, Аллоҳ ҳузурида ҳисоб-китобдан ўтишлари ҳақида ўйлаб ҳам қўришмайди. Буни исташмайди ҳам.

Аллоҳга қуллик қилишни истамадими, демак, инсонларга қуллик қилиш йўлини танлаган: бошига бир иш тушса, Парвардигорига илтико қилмайди, "фалончи акам қўллайди, жонимга оро киради" деб ўйлади. Ризқни Аллоҳ бераётганига ақлини ишлатмайди, фалончи туфайли катта пул топяпман, деган хаёлга боради. Аллоҳга бандалик қилмайдиган одам ҳеч бўлмагандага нафсининг қулига айланади, ана шу катта душманига итоат қилиши

## ҲУРЛИК НИМАДИР?



бошлайди.

“Бошиңгга қандай иш түшмасин, ҳаммаси аввалдан тақдирингга ёзиб қўйилган. Зоро, чигал сабаблар ибтиододаноқ сенинг мавжудлигинги шу ишларга боғлаб туради”, дейди Марк Аврелий Антонин. Ёки Аллоҳ белгилаган чегараларда ҳуррият излайдиганлар барибир жамият қонунларининг қулигига маҳкумдирлар. Цицерон Марк Туллий бундай деган: “Озод бўлиш учун қонунларнинг қулига айланишга тўғри келади”. Аллоҳдан кўрқмайдиганлар тўла ҳурликка эришмаган, улар барибир инсонлардан, раҳбарлардан, ўзларидан мансаб ёки бойликада устун кимсалардан қўрқишиади. “Ўзгалардан кўрқувчи кимса, гарчи ўзи буни сезмаса-да, қулдир” деган экан ўтмиш донишмандларидан Антисфен. Айрим инсонлар Парваридигорларида н кўрқишмайди, аммо Узотнинг бало-офатларидан қаттиқ кўрқишиади. Ваҳоланки, атоқли Ислом олими Мұхаммад Зоҳид Қўтқу айтганидай, “Дунёдаги турли офату балолар ҳам Роб бил оламийннинг лутфу эҳсонидир, бандасини Ўзига қаратмоқ ва илтижо эттиromoқ учун бир василадир”.

Инсонлар ана шу ҳақиқатни тан олмай, ҳуррият масаласида ҳамиша адашувда бўлган. Ислом дини шахс ҳурриятини илоҳий мезон ўлчовларида баҳолади, чинакам озодлик нимада эканини кўрсатиб берди. Исломнинг буюк адолати шундаки, у барча инсонларни ҳур, тенг ва насаб-мансадба баравар, деб эълон қилди. Агар шундай бўлмаганида қулдорлик авжига чиқкан бир даврда юборилган бу дин қул билан хожани бир мақомга қўймаган бўлур эди. Масалан, Пайғамбаримиз Мұхаммад алайҳиссаломнинг Аммор ибн Ёсири, Билол Ҳабаший, Салмон Форсий каби ўнлаб саҳобалари мусулмон бўлишгунича қул эдилар. Айнан Исломгина қул озод қилишни ибодат ва гуноҳларга каффорат (эваз) даражасига кўтарди, айни шу дингина қулининг айби учун бир тарсаки туширган хожага бу гуноҳи

эвазига ўша қулини озод қилишга буюрди.

Аммо Исломдан бехабар ёки даҳрийлик жамиятларида асл ҳурриятни Аллоҳга бандалик, қулилк қилишда эмас, инсон хоҳишистакларига тўла эрк беришда деб тушунишади. Улар наздида ҳатто Аллоҳга итоат, диндорлик, ҳудожўйлик шахс эркини жиловлаш, унинг ҳурриятига тўсиқ қўйиш манбалари эмиш. Ваҳоланки, жамиятда бошқарув низоми, эътиқодий дастур йўқолса, инсонлар асл фитрий қиёфаларини йўқотиб, ҳайвонга айланишган ва алалоқибат инсонийликдан маҳрум бўлиб, ҳалокат сари кетишган бўлур эди.

Буни бугунги Farb олами мисолида кўриш мумкин. Бу жамият ўзидаги Парваридигорга итоатгўйликни, диний эътиқодни йўқотиб, ўрнига «демократия», «ҳурлик», «эркинлик» ниқоби остидаги ҳайвоний ҳирс ва нафсий бузуқликларни таклиф этмоқда. Бу жамиятда бангиворлик, фоҳишалик, ахлоқни назар-писанд қилмай кўнглига ёқкан ишни бемалол қилиш (бу уларда «инсон ҳуқуқлари» деб аталади) каби иллатлар чинакам ҳуррият, инсоний қадрият эмиш, буларни ҳурмат қилиш керак эмиш. Farb ўзини инсон ҳуқуқ-эркинликлари, ҳуррияти ҳомийи деб, демократияни эса чинакам ҳурриятга эришишнинг бирдан-бир воситаси деб эълон қилганига қарамай, агар яхшилаб мулоҳаза юритилса, айнан ана шуларнинг инсон ҳурриятини тажовуз қилаётганига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Farb тиқишишираётган, мажбурлаётган бу демократиянинг, бу «маданият»нинг, бу “ҳуррият”ни мусулмонлар тан олишмайди. Зарур бўлса, чинакам ҳурриятни, ҳақиқий адолатни, мунофиқликдан холи демократияни уларга Исломнинг ўзи ўргатиб қўяди. Бундан ўн беш аср муқаддам аёлни олий мартабага кўтарди. У бутун инсоният пайғамбари Мұхаммад алайҳиссалом тиллари билан «Жаннат оналар оёғи остидадир», «Ўз хотинига меҳр-шофқатли бўлган кишилар энг яхшиларингиздир», деб эълон қилди. Исломда эркакларга ўз аёллариға яхши, хуш муомалада бўлиш, уларни урмаслик, илм олишига ва динини ўрганишига

илтимосини изҳор эта олиши асл ҳуррият эмасми? Мўминлар раҳбари Умар ибн Хаттоб кўчада кетаётганида бир кампир тўхтатиб олиб, қаттиқ танбех берганида «Бу муштипар аёлнинг арзини Аллоҳ эшитадиу, Умар эшитмасинми?» деб ҳайқиришини ҳеч бир ҳурлик жамияти орзу ҳам қилолмайди.

Исломдан бехабар юртларда кишиларнинг ҳурлик, озодлик ҳақидаги тушунчалари ниҳоятда бузилиб кетган ёки нотўғри тушунчалар жамият аъзоларига зўрлаб тиқишиширилмоқда. Уларда инсон кўнглига ёқкан ишни бемалол қила олиш, ахлоқ меъёрларини назар-писанд қилмаслик, илоҳий низомларга бўйсунмаслик, ўта худбинлик ва жоҳиллик чинакам эркинлик, ҳуррият саналади. Ўзининг ҳамма нарсада ҳур санайдиган Farb жамиятининг комилликда ва шахс эркинлигини таъминлашда мақталадиган қонунлари аслида инсонларни нафс ва шайтоний ишларда эркинлигини таъминлаган эса-да, асл инсоний ҳуқуқларда улар ҳақини ҳамиша поймол қилиб келган. Тарихда бунга мисоллар жуда кўпу, буни биргина “аёллар ҳуррияти” мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ислом ва аёл, аёллар «ҳуррияти ва эркинлиги» масаласи Farb ҳамиша мусулмонларга иддао қиладиган, маломат тошларини отадиган масалалардан саналади. Аммо тарихга холис назар ташлайдиган бўлсак, аксинча мусулмонлар фарбликларнинг ўзларини аёллар ҳуқуқини поймол қилишда, уларнинг ҳурриятини бўғишида, хотин-қизларни ҳўрлаш ва камситишда айблашга ҳақлироқ туюлади. Ислом дини бундан ўн беш аср муқаддам аёлни олий мартабага кўтарди. У бутун инсоният пайғамбари Мұхаммад алайҳиссалом тиллари билан «Жаннат оналар оёғи остидадир», «Ўз хотинига меҳр-шофқатли бўлган кишилар энг яхшиларингиздир», деб эълон қилди. Исломда эркакларга ўз аёллариға яхши, хуш муомалада бўлиш, уларни урмаслик, илм олишига ва динини ўрганишига

шароит яратиб бериш, таом, кийим, бошпана ва рўзгор ашёлари билан таъминлаш, никоҳда маҳрини бериш каби кўплаб мажбуриятлар юкландган. Динимиз ҳатто уруш пайтида ҳам аёллар ва болаларни ўлдиришни ман этган.

Исломда аёллар ҳуқуқи қўйидаги тўрт тамойилга асосланган: биринчидан: Ислом таълимоти аёлга эркакка берган ҳуқуқ ва вожиботларни аёлга ҳам берди; иккинчидан: Ислом таълимоти қўйидаги ўринларда эр ва аёл ҳуқуқларини тенг деб билади, молиявий муомалаларда аёлнинг ўз моли ва бойликларини тасарруф қилишда ихтиёри ўзидадир, эри ёки отасининг аралашувисиз тижорий шартномаларни ихтиёрий равишда ўзи тузишга ҳақлидир, эркаклар молиявий муомалаларда қандай ҳуқуқларга эга бўлишса, аёллар ҳам худди шундай ҳуқуқларга эгадир; илм ва маърифатни ўрганиш ва талаб қилишда ҳам аёл эркак билан тенг ҳуқуқка эга; дин таълимотларига риоя қилган ҳолда жони, соғлиги, ақлини сақлаш ва ривожлантириш, ақли ва жисми ислоҳоти билан боғлиқ бўлган ҳамма ишда аёл эркак билан баробар ҳуқуқка эга; учинчидан: қиз бола акалари, амакилари ёки бошқа қариндошларига оғир юқ бўлмаслиги учун Ислом ата-онасидан мерос олишида ўғил меросининг ярми ҳисобида белгилади; тўртинчидан: Ислом шариати хотинни эр уйидан масъул бўлишида эркак киши мақоми билан баробар ўринга қўйган.

Ваҳоланки, Исломгача бўлган даврда ва у етиб бормаган ўлкаларда яқин-яқингача аёлни инсон сифатида кўришмаган. Ер юзида аёлга адолат билан қарайдиган бирорта жамият йўқ эди. Масалан, қадим Ҳиндистонда аёл турмуш қуриш, мерос олиш ва бошқа ҳақлардан маҳрум эди, эри ўлганда у марҳум эри билан тириклайн гулханда куйдириларди. Будда ўз эътиқодига эргашувчиларни аёлга қарамасликка, у билан суҳбатлашмасликка мажбур қилган. Месопотамиядаги шумерларда

эридан ажрашмоқчи бўлган аёлни тириклайн дарёга отишган. Қадимги Юнонистонда ҳам аёл хор ва ҳақир саналарди, у бозорда олиб-сотиладиган мол каби эди. Юон маданияти чўққисига чиққани сайн аёлнинг аҳволи оғирлашди. Аёллар завқ воситаси ва шаҳватларни қондирадиган бир эрмак ҳолига келди. Фарзанд кўриш мақсади йўқолди, аёлларни эридан бошқа эркакларга қўшиш авжга чиқди. Юон маданияти бу ахлоқсизлик, бузуқлик туфайли тарих саҳнасидан тушиб кетди. Қадимги Римда ҳам аёл ночор, баҳтсиз эди. Чин – Хитойда аёл инсон саналмас, ҳатто исм қўйишга орлари келиб, «бир, икки, уч» каби рақамлар билан чақириларди. Насронийлик дини аёлни «ифлос», «йўлдан оздирувчи», «иблиснинг қуроли» деган сифатлар билан «улуғларди». Айни насронийликдаги роҳиблик ақидаси, яъни бўйдоқ ўтиш фикри аёл ҳақидаги манфий қарашларнинг натижаси эди. Милодий 586 йили Франсияда ўтказилган бир анжуманда «Аёл инсонми ёки инсон эмасми?» деган масала мухокама қилинди. Ўн саккизинчи аср поёнида Франсия инқилоби қулликни бекор қилиш ҳақида қонунни қабул қилас экан, «бундан гўдаклар, телбалар, аёллар мустасно», деб қўшимча киритган. Аёлнинг мустақил мулкдорлиги ҳуқуқини Оврупа Исломдан ўн уч аср кейин тан олган.

Ислом келмасидан олдинги жоҳилият замонида Араб жазирасида ҳам аёлнинг ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуқи бўлмаган. Эркаклар беҳисоб уйланишар, жорияларини фоҳишалик қилиб пул топишга мажбурлашар, аёл зоти билан бир хонада ўтиришмас эди. Ўша пайтда Қурайш, Ҳинд каби қабилаларда қиз бола туғилса, тириклайн кўмид юборишдек қабиҳ бир одат бор эди. Қиз туфайли йўқсиллик келиши ёки унинг оиласига доғ тушириши, урушда асир тушиб номуси булғанишини ўйлаб шундай йўл тутишарди. Никоҳ, мулк тасарруфи, ахлоқ соҳасида уларнинг ҳуқуқлари паймол этиларди, иззат-нафслари камситиларди, инсон сифатида

хўрланарди.

Аёларни шундай оғир аҳволга солган ғайриисломий ўлкалар бугунга келиб ўз тўрваларини Ислом елкасига ортишга уринишади. Исломда аёллар ҳуқуқи, ҳуррияти қайси соҳаларда поймол этилаётгани ҳақида соатлаб жўшиб-қайнаб баҳс юритишади. Эмишки, Исломда кўп хотинлилик, аёлнинг тўрт девор ичига қамаб қўйилиши, «мажбуран» ҳижоб ўратиш, унга оиласа қулдай қаралиши, эрига сўзсиз бўйсуниши, меросда улар эркаклар улушкинг ярмини олиши кабилар аёлларнинг ҳуқуқи, ҳуррияти, эркинлиги бузилаётганидан дарак берармиш.

Фарбда аёллар тенгҳуқуқлилиги (феминизми) учун олиб борилган узоқ курашлар аёлларга баҳтсаодат, ҳуррият, оиласиб фароғат ўрнига чексиз кулфат, баҳтиқаролик, оналик саодатидан мосуволик ва хўрлик олиб келганини бугун ҳеч ким инкор эта олмайди. Бир вақтлар асосий вазифаси ўй-рўзфор ишларию фарзанд тарбияси ва эрларини баҳтиёр қилишдан иборат бўлган аёллар ҳозирги замонда жамиятнинг, оиласининг барча ташвиш ва муаммоларига эрлари билан баравар масъул, жавобгар бўлиб қолишиди.

Шарқ аёлининг «оғир қисмати», «фожиали ҳаётни», «тўрт девор ичиди қолиб кетаётгани» ҳақида зўр бериб айюҳаннос солаётган Овруподан, Фарбнинг бошқа ўлкаларидан «Сизлар ҳурриятга эриштирган аёлларингизнинг аҳволи қалай?» деб сўрайдиган марднинг ўзи йўқ. Франсиянинг 1789 йилги инқилобида аёллар ҳурриятини талаб қилганлар аёл ва эркак тенг бўлсин, аёллар иқтисодий мустақил бўлсин ва эркин ҳаёт кечирсин, деган масалаларни ўртага қўйишган эди. Ўтган давр мобайнида Farb аёллари ана шу ҳуқуқларнинг ҳаммасига эришишиди. Аммо оналик ва оила фароғатига мослашган аёллик фитратига хилоф бу мажхул эркинликлар уларни баҳтиёр қилолмади. Саодат ва оромосойишталикка элтувчи фитрий вазифаларидан узоқлаштириб юборди. Farb аёллари жамоат



© Mohamed Elissa - October 2008

ишларида қатнашиш, уй-оилада, фабрикада ишлаш, жамият кўнгилхушликларига берилиш, қаҳвахона ва базмларда қўшиқ айтиш ва рақс тушиш, эрлар олқишини олиш учун гўзаллик танловлари ва бошқа кўнгилочар тадбирларда қатнашиш билан аёллигидан ажради, ўзлигини йўқотди.

Аёлларга “чин ҳуррият”ни вაъда қилган ғарб дунёси аёлларни хўрлаш, ҳаққини поймол қилишнинг янги-янги усуулларини ўйлаб топмоқда. Бора-бора аёллар ҳатто эркаклар ишлашга кўнмайдиган оғир, заарли ишларга жалб қилинадиган бўлди. Оврупа ўлкаларида бир хил иш учун аёллар олаётган маош эркакларницидан анча кам. Ҳозирга келиб аёл шахсияти шунчалик ерга урилдики, энди сармоядорлар ва заводчи бойлар бозори касод молларини ўтказиш, овоза (реклама) ва ташвиқ қилиш учун аёлларнинг юзидан, фақат эрлари кўришга ҳақли бўлган қоматидан ва пинҳона гўзалликларидан кенг фойдаланмоқда. Иқтисодий жиҳатдан мустақилликка эришган аёл шунда ҳам негадир баҳтиёр бўла олмади. Аёл пул топа бошлагач, молиявий жиҳатдан эркакка қарамлиқдан «кутилди», унга боғлаб турган бир ришта узилди. Энди жинсий ҳаётдан ўзга уларни яқинлаштириб турган нарса қолмади. Айримлари эса ана шу сўнгги нажот арқонларини ҳам шартта кесиб ташлаб, ўзини «тўла ҳуррият», яъни фаҳш, зино, кўча эҳтирослари қучогига отди.

Фарбагиларнинг инсон ҳурлиги, эрки хусусидаги фикрлашларида кўп учрайдиган хатоликлардан бири шуки, улар эркни Аллоҳ иродасидан, унинг Ягона ҳукмидан устун турувчи нарса, деб тушунишади. Ҳурлик, озодлик ҳақида гапирганларни Аллоҳнинг иродасини кўр-кўрона амалга оширувчи ёрдамчиларига айланиб қолганликда айбламоқчи бўлишади. Булар нотўғри тушунчалардир. Инсоннинг эрки ҳеч қачон Аллоҳ иродасидан устун бўлолмайди. Инсон баъзан Аллоҳга мақбул бўлмаган бирор ишни қилиши мумкин, аммо у асло Аллоҳнинг иродасига қарши бора олмайди. Бу ерда инсон эрки нисбийлигининг бошқа жиҳати кўриниб турибди. Гоҳида Аллоҳ таолонинг розилигисиз ва шариат қонунларига қарши бўлса-да, қиласиган

барча амалларимиз ҳам Унинг иродаси билан бўлади. Бизнинг эркимиз – Яратувчининг Ўз иродаси билан бизга юборган тұхфаси. Биз буни Роббимиздан зўрлик билан тортиб олмаганмиз. Эркимиз – Унинг иродаси, холос. У: «Сизлар фақат Аллоҳ ҳоҳлаган вақтидагина ҳоҳларсизлар», деган (Инсон, 30). Яна бир оятда: «Агар Парвардигорингиз ҳоҳласа эди, бутун Ер юзидағи барча кишилар иймон келтирган бўлур эдилар. Ахир сиз одамларни мўмин бўлишга мажбур қилурмисиз?» дейилган (Юнус, 99). Аллоҳ ҳеч кимни куч билан иймонга келишга мажбурламайди, зўрламайди. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло Ўз расулига: «Уларни ҳидоятга бошлаш сизнинг зимманинда эмас, балки, Аллоҳ истаган кишиларни ҳидоят қиласи», дейди (Бақара, 272).

Тақдир ва азалиётни юқоридан инсонларга мажбурлаб белгилаб берилган нарса, деб тушунмаслик керак. Аллоҳ таоло ҳар бир кишининг тақдирини унинг руҳий интилишлари, ақлий имкониятларига боғлиқ ҳолда белгилаб берган. Аллоҳ ҳар бир кишининг машғулоти, интилишларидан қатъи назар, унинг ўз режаларини амалга оширишини истайди. Аллоҳ таоло инсонга у аниқ танлаган нарсасини беради, чунки Аллоҳ ҳар бир киши учун у севган ва интилажак нарсасини танлаб беради. Қуръони каримда бундай дейилган: «Ким (ўз амали билан) охират экинини (яъни савобини) истар экан, Биз унга экинини (нг ҳосилини) мўл-кўл қилурмиз. Ким дунё экинини истар экан, Биз унга ўшандан (дунё матоларидан) берурмиз ва унинг учун охиратда бирор насиба бўлмас!» (Шўро, 20).

Инсон эрки – доимий бўлмаган нисбий тушунчадир, у вазиятга қараб ўзгариб туриши мумкин. Инсон билим воситасида, яъни меҳнат курсларини, ҳаракат воситаларини, алоқани ихтиро қилиш ёрдамида ўз эрки сарҳадларини кенгайтириши мумкин. У масофани қисқартириши, замон ва макондаги тўсиқларни енга олиши мумкин. Атроф-муҳитни ўрганар экан, инсон унга хўжайинлик қилиши ва ундан фойдаланиши мумкин. Одамлар иссиқни, совуқни, зулматни енгишни, баланд чўққиларни забт этишни ўргандилар ва бу билан ўз эркларининг ҳаракат доирасини кенгайтирдилар.

Илм занжирлардан ҳалос бўлиш йўли, озодликка йўл очиш имкониятидир. Лекин озодлик сарҳадларини кенгайтиришнинг асосий воситаси – иймонга келишдир. Аллоҳ таолога яқинлашиш туфайлигина кишилар кўпроқ эркинликка чиқадилар. Ундан мағфират ва нажот оладилар. Абу Ҳомид Фаззолий инсон тақдирни муаммосини икки жумла билан баён этиб берган: «Инсон ўз билганлари соҳасида эркиндин, билмайдиганлари соҳасида эрксиздир». Бундан келиб чиқадики, инсон ҳар сафар ўз билимларини ҳам кенгайтираскан, бу билан ўз эрки сарҳадларини ҳам кенгайтиради. Бу эркинлик қай йўсинда бўлмасин, барibir Аллоҳ таоло томонидан берилгандир. Бундан хулоса шуки, чинакамига ҳур, озод бўлишни истаган банда фақат Аллоҳга бандалик қилиш орқалигина бунга эриша олади.

Аҳмад МУҲАММАД

## ИСТИЛО МАНЗАРАЛАРИ



Амирлашкар Тошқандга келди. Шодмонхұжані үлдірді. Нормұхаммад доддохні волийй Тошқанд қилды. Давлат тожук деган кишини Туркистонға ҳокум қилип юборди. Үзи Хұқандға қайтды. Мазкур Давлат тожук Туркистонға келиши илан атрофдаги әлатияни ғорат қилиб, талон-тарож этиб чопди. Бу бадфеъл шумлиғидин жамъи Қозоқия Русияга тобеъ бұлды, келмакни хоҳлади ва оз муддатда Русия Туркистонға кирди. Бу тұғрида ҳазрати Султонул-орифийн Хожа Ахмад Яссавий Туркистонға айтган башоратлари тұғри келди. Мундин саккиз юз йиллар илгари айтғон эканлар: «Минг иккі юз саксон бирда үрис келғай, Туркистонни атрофини қамсаб олғай». Мунга мувоғиқ, 1281 ҳижрийда Туркистон ва Авлиёота Русия тасарруғиға үтти. (Ибрат, «Фарғона тарихи», Тошкент, 1991 йил).

### ҚОН ҲИДИ

Үн тұққизинчі асрнинг охирги чорагида Чимкентда қози бўлиб хизмат қилган Султон Ахмад деган киши иттифоқо рус подшоҳи билан мулоқотда бўлган, дейишади. Подшоҳ қозидан юритидаги аҳволни сўраб-сурештирганида Султон Ахмад шундай жавоб берган экан: «Нимасини сўрайсиз, эй ҳазрати олийлари, генерал Черняев ва унинг аскарлари халқимизни үлдириб, оқизган қонининг ҳиди ҳали димоғимиздан кетиб улгурганича йўқ». (Мираҳмад Мирхолдор ўғли, «Чимкент тарихи», Чимкент, 1991 йил).



### ХОНЛИКЛАР ДАРБОЗАСИ

Можор сайёхи ва шарқшуноси Арминий (Херман) Вамбери хотираларидан: «1863 йилда Тошкент хонликнинг Қўқондан кейинги бош савдо шахри ҳисобланган, унда ҳозирги пайтда Оренбург ва Қизилжар (Петропавловск) билан савдо олиб бораётган ўзига тўқ савдогарлар кўпчиликни ташкил этади. Тошкентни эгаллаш Бухоро ва Қўқон хонлигини босиб олишни осонлаштирган бўлур эди». (А. Вамбери. «Путешествие по Средней Азии», СПб, 1867 г., стр. 361).

### ХЎП ҚИЗИҚ ЗАМОНЛАР

Эжонхон билан Сойинхон (асл исми Ботухон) – Жўжихон авлодларидан бўлган Даشت Қипчоқнинг машҳур хонларидан. Туралихоннинг қизидан туғилган эди. Эжонхон билан Сойинхон бир-бирига хонликни таклиф этди. Сойинхон кичик эди, акасига айтди: «Отам ўрнига оғамсан, сен хон бўлгил». Эжонхон айтди: «Сендан ёшим улуғлиги тұғри. Аммо отамиз сени бисёр суюб, эрка ўстирган. Бугунга келиб сенинг эркалигинг ва инжиқликларингни кўтаряпман. Хон бўлсам, бундай қилолмайман. Ўзинг хон бўлақол, сенинг хонлигингга мен чидайман. Аммо менинг хонлигимга сен чидамассан». Икки шахзода шу тариқа бир-бирларига хонликни таклиф қилиб, узоқ тортишдилар ва охирни катта боболари Чингизхонга маслаҳатга жўнашди. (Ўтамиш ҳожи ибн Мұхаммад Дўстий, «Ўтамиш ҳожи тарихи», қўллэзма, ЎРҒАШИ кутубхонаси).





## «МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ»ГА БАҒИШЛАНГАН ТАНЛОВ

Ислом динимиз оилани никоҳ асосида қуришга алоҳида аҳамият беради. Пайғамбар алайҳиссалом ҳадисларида: “Никоҳ менинг суннатимдир, ким суннатимдан юз ўғирса, у мендан эмас” (яни умматимдан эмас), деганлар. Никоҳ асосида турмуш қуриш Аллоҳ таолонинг бўйруғи, Пайғамбар алайҳиссаломнинг суннатлари бўлгач, мусулмон киши оила қуриш йўлида ҳаракат қилиши, оиласини шаръий никоҳ асосида қуриши, никоҳ туфайли насл-насаби поклигини ва оила шаънини сақлаши, ифратини асрashi, бузуклик, зино сингари ҳаром ишлардан тийилиши зарур.

Маълумки, оила ҳар бир жамиятнинг бошланғич ҳужайраси ҳисобланади. Оила мустаҳкам, тинч, ҳалол ва пок бўлса, жамият ҳам осойишта, мустаҳкам, фаровон бўлади. Аксинча бўлса, оилаларда парокандалик, бузғунчилик юзага келади, ҳалол-ҳаромнинг фарқи қолмайди, алал-оқибат ўша жамият бузилади, тинчи йўқолади, бора-бора чуқур таназзулга юз тутади.

Шу жиҳатдан юртимизда 2012 йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниши ҳам ана шу буюк ҳақиқатнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши, деб эътироф этилмоқда. “Ислом.Уз” портали ҳам бу муҳим ишни ҳамиша эътиборда тутиб келган ва “Мустаҳкам оила йили”да ҳам бу борадаги ишларини янада кучайтириш ниятидадир. Портал таркибидаги “Муслимаат.уз” сайти аёл-қизларнинг оила мустаҳкамлигига қўшадиган ҳиссасини янада кўпайтириш, улар фаоллигини ошириш, опа-сингилларимизга Ислом маърифатини етказиш, уларни келажак авлодни тарбиялашга кенг жалб қилиш

мақсадида “Мустаҳкам оила” маънавий-маърифий танловини эълон қилди.

Танловда яшаш, ишлаш жойи, миллати, дини, жинси, ёши ва савия-малакасидан қатни назар, барча муаллифлар ўз асарлари билан қатнашишлари мумкин. Танловга адабий-бадиий асарлар (насрий, шеърий асарлар, публицистик мақола, очерк, репортажлар, сценарийлар, шунингдек, хорижий тиллардан ўзбек тилига ёки ўзбек тилидан хорижий тилларга таржима қилинган маънавий-маърифий асарлар); мультимедиа асарлар (фото, графика, хаттотлик, тасвирий санъат асарлари, интерактив мультимедиа дастурлар, аудио, видео, 2D ва 3D анимация, интернет ресурслари); болалар учун асарлар (болалар томонидан ишланган ёки болалар учун мўлжалланган маънавий-маърифий асарлар) тақдим этилади. Юборилган электрон репродукциялар рўйхати “Ислом.уз” портали ҳамда “Муслимаат.уз” сайтида маълум қилиб борилади. Сайтда берилган репродукцияларга ҳакамлар ҳайъати ҳамда интернет фойдаланувчилари томонидан баҳо берилади.

Танлов 2012 йилнинг 1 декабрига қадар давом этади. Унинг якунлари ҳижрий 1434 йилнинг муҳаррам ойида эълон қилинади. Танлов ғолибларига қимматбаҳо мукофотлар, эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлар тақдим этилади.


(Ўз муҳбиришимиз).

Маълумки, бутун дунё иқтисодий тизимида инқироз деб аталмиш таҳдид ҳамон ўз кучини қўрсатмоқда. Бу нарса зўрайгандан зўраймокда, унинг янги кўринишлари пайдо бўляпти, аммо таҳдидни жиловлаш ёки ортга чекинтиришнинг имкони асло топилмаяпти. Аввалига молия ҳамда пул тизимидағи инқироз кўринишида намоён бўлган бу таҳдид бутун бошли иқтисод тизимининг инқирозига йўл очиб берди. Бундай инқироз шу кунларда шаклу шамойилига кўра кўпгина давлатларни қарздорлик ботқоғига ботириб қўяётган „қарздорлик инқирозига“ айланиб улгурди.

Хўш, бу қандай инқирозки, бир неча йиллардан бўён унинг ечими ҳамон топилмаяпти. Аксинча, муаммо устига муаммолар ёғилмоқда? Биз ўтган йили инқироз ҳақида мақола эълон этиб, мазкур ҳолатга маълум миқдорда назарий ёндошишга ҳаракат қилган эдик. Бу галги мақоламиз эса мазмун-моҳияттан ўша ердаги фикрларнинг узвий таҳлилий давомидир. Келинг, вазиятни таҳлил қилишга ўтишдан олдин охирги пайтда турли давлатларда юз бераётган молиявий-иктисодий ҳолатларга бир назар ташлаб чиқсан.

Эътиборингизни сўнгги кунларда оммавий ахборот воситалари орқали кўп тилга олинаётган жанубий ва шарқий Европа давлатлари, АҚШ, Япония, Хитой ҳамда Буюк Британия каби йирик мамлакатларнинг молия ва иқтисод тизимида рўй бераётган таҳликали ҳолатларга қаратмоқчимиз.

Яқин йиллар ичида йирик иқтисодий тизимга эга бўлган давлатлар, жумладан, АҚШ, Япония, Хитой, Европанинг бир қатор ҳамда дунёнинг бошқа кўпгина мамлакатлари ўзларини молиявий инқироздан олиб чиқиши мақсадида „Конюнктура Пакети“ дея аталмиш давлат томонидан иқтисодиётга аралашув меҳанизмини ишлаб чиқишиди ва шу орқали сунъий равишида аввало банкрот ёқасида турган молия институтлари, яъни банклар ва бошқа молия ташкилотларига, ундан сўнг эса, иқтисодиётда ва бозорда етакчи бўлган ҳамда савдо биржаларидаги ўз салоҳиятига ҳамда обрўсига эга турли йирик акционерлик компанияларига молиявий тикланишда ёрдам беришни ва шу орқали батамом касодга учратмаслик йўлларини режалаштиришди. Банклар эса бирин-кетин давлат қарамоғига ўта бошлади ёки аникроғи банкларнинг қимматли қофозларини тўла ёки қисман давлат сотиб олиб, хусусий сектордан яна давлат секторига ўтказиш орқали масалага ечим топа бошлади. Натижада АҚШ 35%, Хитой 20%, Япония, Европа давлатлари ҳамда дунёдаги бошқа давлатларнинг ҳар қайсиси 15% дан, бутун дунёда конюнктура пакети учун сарф бўлган маблағларнинг улушида иқтисодиётни тиклашга киришдилар. Бу конюнктура учун сарфланган жами маблағлар миқдори дунё иқтисодиётида эришиладиган ялпи даромаднинг 4,7 фоизини ташкил этди. Аммо конюнктура пакетлари давлат бюджети учун фақат харажат бўлиб, бунча сарфланган миқдордаги маблағларнинг фойдалар туфайли қайтими деярли йўқ ёки яқин йилларда эришиладиган нарса эмаслиги аниқ эди. Бу дегани, аслида жами конюнктура учун



сарфланган маблағлар эвазига дунё мамлакатлари 4,7 фоиз миқдорида қарздорлик балосини ўз елкаларига ўзлари ортиб олишди. Бу орқали, қайсиdir маънода, кўпчилик давлатлар ўз иқтисодиётини яна қайта тиклашга вақтинчалик ечим топган бўлишса-да, инқироз таҳдидидан ўзларини бутунлай ҳолос қила олишмади. Аксинча, АҚШ, Буюк Британия ёки Япония каби давлатлар ботқоқقا яна ҳам чуқурроқ ботиб қолишиди. Бу мамлакатлarda бюджет тақчиллиги янада ошиши билан бирга давлатнинг юқори қарздорлик ҳолати пайдо бўлди. Мамлакатда инқирозга учраган компаниялар сони ҳамда бунинг натижасида ишсизлик даражасининг ортиши, бунинг устига давлатларнинг чиқими кўпайиб, экспортнинг камайиши ҳамда тизимнинг тўлов қобилиятининг касодга учраши, сармоядорларнинг ҳам сармоя (инвеститсия) ажратишига катта тўсиқларнинг пайдо бўлиши сабабидан бюджетта солиқлар ва тушумлар йиғиш миқдори камайиб кетди. Банклар эса юқори фоизли кредитларнигина таклиф қила бошлади. Табиийки, бу ҳолатда банкларга нисбатан ишонч кескин камайиб кетди. Ва натижада молия ташкилотларининг тўлов қобилияти кескин пасайди ёки бутунлай нўлга тушиб қолди. Бу борада турли янги усуслар қўлланилди, лекин афсуски ёрдам беришга улгурилмаган банкларнинг тўлов қобилияти батамом касодга учраши натижасида бирин-кетин Юнонистон (Греция), Португалия, Испания, Италия ва ҳатто, иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлмиш АҚШ, Япония ва Буюк Британия ҳам ўзларининг тўлов қобилияти йўқолгани ҳамда синиш (банкрот) ҳолатига тушаётганини эълон қила бошлашди.

Давлатларнинг бундай таназзулага юз тутишига, аникроқ айтадиган бўлсак, фақат молия тизимидағи инқироз сабаб бўлмай, балки давлатнинг эркин

иқтисодий савдо-сотиқ борасидаги, яғни экспорт ҳамда импортдаги нисбатларнинг салбий күрсаткичга әгалиги ҳам асосий омиллардан ҳисобланади. Бир давлатдаги ўртача хўжалик тақчилигини (дефитситни) аниқлаш учун жорий дефитситни, ёки аникрофи, жорий салдони бюджет дефитсити (салдоси) билан таққослаш кифоя. Умумий ҳисоблаш қоидасига биноан давлатнинг бюджет салдоси қўйидаги ҳисобланади :

Бюджет салдоси = Давлат киримлари – Давлат чиқимлари – Фоиз тўловлар

Жорий салдо = Давлат киримлари-Давлат чиқимлари

Давлатлар сунъий равишда жорий салдога таъсир этишлари мумкин, бунда ўртача фоизларнинг даражаси умумий қарзларга нисбатан олинадиган бўлса, жорий салдонинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан қиймати кўриб чиқилади. Бу дегани, ялпи ички маҳсулотга нисбатан қарздорлик даражасининг нисбати орқали давлатнинг иқтисодий имконият чегараси, яғни тўлов қобилияти аниқланади. Мамлакатларга сармоя киритиш режаларини амалга оширшдан аввал сармоядорлар айни шу кўрсаткини инобатга олишади. Демак, агар давлатнинг қарздорлик даражаси юқори бўладиган бўлса, бу давлатга сармоя ажратиш қийин бўлиб қолади. Шу ўринда изоҳлаб кетиш керакки, сармоя дегани узоқ муддатли фоизли капитал маблағларнинг шу давлатга киритилишидир. Аникрофи, сармоя киритиш қайтарилиши узоқроқ муддатларга мўлжалланган яна бир қарз олди-берди услубидир.

“Давлат қандай қилиб катта миқдорда қарздорлик ҳолатига тушиб қолади” деган савол ўртага ташланадиган бўлса, бунга жавоб шуки, давлатда ривожланиш жуда паст кўрсаткича бўлса, бунинг устига белгиланган фоиз даражалари, яғни пулнинг қадрсизланиш кўрсаткичи ана шу иқтисодий ўсишга нисбатан юқори бўладиган бўлса, қарздорлик ҳолати келиб чиқади. Худди шу ҳолат Юноистон, Ирландия, Испания ҳамда бошқа давлатларда жуда юқори даражага чиқиб кетди. Юноистоннинг Европа мамлакатлари орасида иқтисодий ўсиш суръатлари ниҳоятда суст бўлгани ҳамда самарали ижтимоий-иктисодий тизимлар яратилмагани оқибатида, шунингдек, сўнгги йиллардаги молиявий инқирознинг таъсири ҳамда бозор иқтисодиётинг меҳанизмлари асносида вужудга келадиган Европа Иттифоқи (ЕИ) мамлакатларининг ўзаро савдо-иктисодий боғликларни ва шу аснода пайдо бўлган салбий таъсир мамлакатни ялпи ички маҳсулот қийматида 125 фоиз (2009 йил) қарзор қилиб, жуда қисқа муддатда синиш (банкрот) ҳолатига тушириб қўиди. Юноистоннинг бюджет тақчилиги эса ўртача 13-14 фоизга, яғни ЕИ таркибига киравчи давлатлар ичида рекорд даражага етди.

Бир вақтнинг ўзида эса Европа Иттифоқи таркибида бўлган Олмония, Холландия ва Австрия каби мамлакатлар жуда юқори иқтисодий тўлов қобилиятига, яғни ўсиш кўрсаткичларига эришилди. Олмония экспорт бўйича Хитойдан кейин дунёда иккинчи ўринда, Европада эса етакчи эди. Бундай бир

иттифоқнинг ичида турли хил иқтисодий ҳолатларнинг вужудга келиши ўз навбатида иқтисоди жуда суст ривожланаётган давлатларга янада салбий таъсир кўрсатди. Улар бозорда рақобатга бардош бера олмай қолишиди. Иқтисодий тикланиб олган давлатлар эса бунга ҳам қарамай яна давлат ичкарисида ҳам бир вақтнинг ўзида турли ислоҳотлар олиб боришиди. Пул жамғариш, харажатларни қисқартириш бўйича самарали натижаларга эга бўлишиди. Иқтисодий самараадорликнинг бундай ўсиши билан бирга меҳнат тўловлари ошмади, балки эски ҳолатида қолди. Бу эса мамлакатда чиқимларнинг бир меъёрда сақлаб турилишига замин яратди.

Юқоридаги синиш ҳолатига тушиб қолган давлатлар эса Европа Иттифоқи қарамоғида бўлибина қолмай, давлатларни қутқариб қолиш учун Евро-Бонус аталмиш ёрдам пакетларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлишиди. Европа Иттифоқининг ушбу „Маршалл режаси“ бошқа йирик давлатлар, хусусан Олмония, Франсия каби давлатлар тўлайдиган узоқ муддатли тўловлар бўлиб, бу ҳам айни сармояга ўхшаш қарздорлик олди-сотди битимиdir. Бунга эга бўлиш учун эса давлатлар самарали ички ижтимоий-иктисодий дастурлар ишлаб чиқишлиари шарт ва бу дастурлар ёрдамида тизимда ўзгариш ясашлари талаб этилади. Аммо бу бонуслар фақат давлатни қутқариб қолиш учун вақтинчалик ўсул бўлибина қолмай, Европа Иттифоқида жорий этилган ягона пул тизими бўлмиш евро қадрсизланишининг олдини олиш ва шу орқали Иттифоқ ичкарисидаги нархларнинг ўсиш кўрсаткичларини барқарор сақлаш учун ҳамдир. Европа Иттифоқига кирмайдиган давлатлар, масалан, АҚШ 1917 йили жорий қилган қарздорлик лимити стандарти бўйича ҳозирда энг кўпি билан 14 триллион 300 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги кўрсаткичдан анча ошгани боис Америка қарздорликни камайтириш учун янги солиқ ислоҳотларини амалга оширишини айтмоқда.

Айни пайтда АҚШ да ҳам, Европа миқёсида ҳам ҳукуматлар раҳбарларининг ва оддий аҳолининг норозилик кайфияти ошмоқда. Европада касодга учраётган давлатлар учун иқтисодий тизими анча барқарор давлатлар ўзининг янги солиқ ҳамда бошқа шу каби ислоҳотларни ташкил этгандар ҳолда оддий аҳолининг чўнтаги ҳисобигагина қолоқ иқтисодиётларни тиклашга ёрдам бермоқда. Шу йўл билан бу танглик ҳолатига барҳам бериладими-йўқми, бу ҳам мубҳамлигича қолмоқда. Қарийб қирқ йиллик тарихга эга бўлган ва ўзининг ilk кўринишларини 70-йилларда ёк кўрсатган бу галги инқироз дунё бозорида ишлаб чиқарилган жами маҳсулот ҳажми унга етарли миқдорда тўланадиган пулдан анча ортиб кетиши натижасида намоён бўлди. Бу инқироз биз кўкларга кўтариб мақтаётган капитализм асосида қурилган дунё иқтисодий тизимининг қанчалик ногирон туғилган тизим эканини исботлашга улгурди. Шундай кемтиклик асносида барпо қилинган мазкур тизимни даволаш жараёнида касалга дори ўрнига заҳар берәётган бу каби „Маршалл режалари“ эса аслида қарздорлик ботқоғига

ботиб турган танани боши билан ботириб чўқтириб юбориш режаси эканини бутун дунё англаб тургани шубҳасиз.

## ТИЗИМДА ЯШИРИНГАН МУЗ ТОҒЛАРИ

Одатда уммонда сузиг юрган муз тоғларининг (айсберг) сув устида турган қисми билан бутун бошли айсберг хавфини аниқлаб бўлмайди. Бунда унинг сувга ботиб турган қатлами, яъни илдизи биринчи ўринда инобатга олинади. Чунки айни шу сув остидаги илдизи кемалар ҳалокатига сабабчи қисмидир.

Агар бугун ҳукм суроётган инқироз моҳиятига етадиган бўлинса, бутун дунё молия-пул тизимининг тарихига бир назар ташлаш кифоя.

Молия ва пул тизимида шундай икки атама мавжуд: қиймати қопланган пул ва кредит пул. Қиймати қопланган пулда бирор товарни айирбошлаш учун, масалан олтин, кумуш каби қимматли нарсалар қийматга эга бўлган нарса сифатида пул ўрнида ва пул сифатида тўловда айирбошланади. Бундай айирбошлаш тизими анча соғлом тизим бўлиб, бунда олтин, кумушларнинг, яъни пулнинг маълум юқори чегараси бўлади ва бундан ортиқ пулни пайдо қилиш мумкин эмас. Яъни ҳар бир давлат мамлакатда мавжуд олтин заҳирасига асосланиб, шунча пулни муомалага чиқаради. Муомалада ортиқча қиймати паст ёки қиймати йўқ пул бўлмайди. Иккинчиси эса кредит пул тизими бўлиб, бунда қийматга эга бўлган, аммо ўзи қимматли бўлмаган нарсалар, масалан векселлар, нақд пуллар, дериватлар, депозит пуллар ёки чек қофозлар, шунингдек, кредит карточкалари пул сифатида муомалада иштирок этади. Биринчи пул шаклида пулнинг қиймати буюмда тўлиқ намоён бўлади, иккинчи пул шаклида эса тўловлар ваъда ёки ишонч остида амалга ошади. Яъни қийматли нарса қийматиз нарсага айирбошланганда қийматиз нарса қийматли нарса сифатида тасаввур қилинади. Бу пул тизимида эса давлат ҳамда банклар керак бўлганда истаганча ПУЛ яратишлари мумкин.

Шу иккинчи пул тизими айни бугунги кунимизда жорий муомала учун фаолият юритаётган тизимdir. “Бу тизимда пул қандай яратилади?” деган саволга жавоб: Бу тизимда Марказий банклар пул яратувчи оналардир. Улар, масалан, 1000 сўм қийматидаги пулни эмиссия қилсалар, шуни бошқа тижорат банкларига ишлатиш учун бериб турадилар. Пулни Марказий банкдан олганлари учун тижорат банклари ўша берилган пулнинг, масалан, икки фоизини банк резерви учун Марказий банкка яна қайтариб тўлашлари керак. Қолган 98 фоизи, масалан, кредит сифатида мижозга берилади. Мижоз кредитни нима учундир тўловга беради ва яна бу пуллар бу гал ўртада мижоз воситачи бўлган ҳолда яна марказий банкка қайтиб боради ва шу билан биринчи пул айланмаси амалга ошади. Иккинчи бор эса мижоздан бориб тушган пулнинг икки фоизини банк яна Марказий банкка тўлайди ва қолган 98 фоизи, яъни 960

сўмини яна кредит сифатида мижозга беради. Мижоз эса қайсида тўлов амалиётини амалга оширади ва 960 сўм яна банкка боради ва шу билан иккинчи сикл айланмаси ниҳоясига етади. Шу тариқа то пул нўл бўлиб қолгунича ҳар пул айланмасидан Марказий банк икки фоиздан қошимча маблағ топаверади ва охирида 1000 сўм пул 50000 сўмга айланади. Бундай пул яратиш мульти-пул яратиш тизими ёки аниқроғи “жирал пул яратиш тизими” деб номланади.

Навбатдаги жуда муҳим нуқта эса 1913 йили АҚШнинг Федерал Резерв Тизими, яъни ФЕДнинг тузилиши бўлиб, бу молия институти кўпчилик мутахассислар фикрига кўра давлат тасарруфидаги молия институти бўлмай, балки хусусий банкдир. Аниқроғи, саккизта мустақил хусусий банкни бирлаштириб турувчи ва ушбу банклар томонидан бошқарилувчи хусусий молия институтидир. Шундан бўён дунёдаги жамики банклар резервидаги 75 фоиз пул АҚШ долларида сақланади. Яъни доллар дунё валютаси ҳисобланиб, дунё пул тизимини бошқарип келмоқда. Бу дегани долларнинг қадр-қийматининг ўзгариши тўғридан-тўғри дунёдаги ҳар бир давлат пул тизимиға таъсир этади. Шу жумладан 90 фоиз пул захираси долларда бўлган Европа Иттифоқига кирувчи мамлакатлардаги мавжуд евро қадр-қийматига ҳам доллар ҳамиша таъсир ўтказиб туради.

1944 йили жаҳонда фаолият кўрсатиб турган олтин заҳирасига аосланган пул тизимида янги йўналиш, яъни Бреттон Wood тизими (олтин-доллар тизими) барпо бўлди. Бунга айни АҚШнинг жаҳон урушидаги сарф-харажатларининг кўпайиб кетиши ҳамда Виетнам урушида ҳам анча пул сарфлашига тўғри келгани сабаб бўлди. 1971 йилдан бошлаб эса олтиндан қоғоз пул тизимиға ўтилди. Ва шундан бўён иқтисодиёт тарихида янги пул тизими, яъни юқорида айтганимиз Кредит-пул тизими фаолиятини бошлади. Бу дегани 35 гр. олтиннинг баҳоси 30 АҚШ \$ қийматида баҳоланди. Яъни, ҳар бир 35 граммли олтин бўллаги ўрнига 30 АҚШ доллари муомалада пайдо бўлди.

Ана шундан бошлаб муомаладаги пуллар унинг қийматига teng товар ва хизматларга нисбатан қирқ маротаба кўпайди. Бу дегани, шунча пул қийматиз ҳолатда, яъни унга алмашув учун заҳира бўлмаган кўринишда муомалада пайдо бўлди. Бу дегани, ҳар қайси қоғоз пул тизими кўпи билан учта авлодгача бориши мумкин, деганидир. Тарихга назар ташлайдиган бўлсан, ҳар бир давлат ўтган даврида камиде икки-уч марта пул ислоҳотини амалга оширган, яъни янги пул зарб қилинган ва муомалага киритилган. Нима учун айни пул тизимидағи мумамони янги пул ислоҳоти орқали ечиб келинмоқда, деган саволга жавоб бериладиган бўлса, айни қийматни янги қийматга ўгириш орқали мамлакатда мавжуд қарздорлик ҳолатидан чиқиб кетилган. Албатта бундай янги пул тизимини яратишдек усул тўлақонли ечим бўлмай, фақат сўнгги чора сифатида кўрилган. Бундай қоғоз пул тизимида мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиши, товар ва хизматларнинг тобора кўпайиши ҳамда янги иш ўринларини барпо қилиш жараёнини

қиймати паст ёки қийматсиз қофоз пулларни қўшимча чиқармай амалга ошириб бўлмайди.

2007 йилга келиб айни инқирознинг шиддати кучайган вақтда Европа Иттифоқи Марказий банки томонидан муомалага чиқарилган пулнинг миқдори конвергансия стандартига мувофиқ аслида кўпич билан 4,5 фоиз бўлиш ўрнига 12,3 фоизни ташкил этган. АҚШ да эса бу кўрсаткич 18 фоизгача етди. Ва очик демократик давлатда демократик тамойилларга қарши равишда умумий пул массаси 2006 йилдан бўён М3 деб олинди ва кенг жамоатчиликка бу миқдор эълон қилинмайдиган бўлди. Яъни, бу миқдор сир сақланиши эълон қилинди. Пул қадрсизланиши (инфляцияси) гиперинфляция шаклига ўтди. Афсуски амалдаги инфляция кўрсаткичлари эса ҳақиқий инфляция кўрсаткичи ҳисобланмай, балки давлатлар сунъий равишда таъсир ўтказиб келишмоқда. Масалан, 2008 йилги кўрсаткичга қарайдидиган бўлсак, дунёда ўртача инфляция кўрсаткичи 10 фоизга етди, аммо расмий эълон қилинган кўрсаткич эса ўртача 1,7 фоиз эди. Пулнинг АҚШ бошчилигда амалдаги бозорга чиқариладиган миқдори эса 2000 йилдан бўён 950 фоиздан ошиб кетди. Инфляция миқдорини оддий қизиқувчи сифатида аниқламоқчи бўлинса, у ҳолда амалда чиқарилган пулнинг миқдорининг ўсиши-М3 яъни 12,3 фоиздан 2,6 фоизни (иқтисодий ўсиш кўрсаткичини) айриб ташлаш кифоя ва эришиладиган натижа эса 9,6 фоиз бўлади. Амалда эса инфляцияга сунъий таъсир этишда ҳедони, суррогат ёки геометрик ўлчов усулларидан фойдаланилди. Энди тасаввур қилинг, агар инфляциянинг ҳақиқий даражасини ўртача 9% қилиб оладиган бўлсак ва унга қарама-қарши равишда ҳозирги Европа Иттифоқидаги мавжуд фоиз даражасини 3 фоиз деб ҳисобласак, бу дегани ҳар йили ўртача олди-сотидаги қиймат зарарининг миқдори 6 фоизни ташкил этади. Бу дегани, ўн йил олдин белгиланган асли 1000 сўмлик маҳсулот ёки хизмат қиймати ўн йилдан кейин эллик фоизга камайди, яъни 500 сўм бўлди, дегани. Тасаввур қилинг: бу қиймат йўқотиш айни хом-ашё нархлари ва бошқа харажатларнинг ошиши даврида яъни маҳсулотнинг аслида 1000 сўмдан кўпроқ қийматга эга бўлиши керак бўлган даврда юз бермоқда. Бу эса очик-ойдин тизимнинг қанчалик ҳалокат ёқасида эканини кўрсатиб қўяди.

Тизимдаги хатоликларни тилга олиш жараёнида бир асосий жиҳатни унутмаслигимиз керак. Яъни тизимнинг фаолияти кредит-пул тизимиға асослангани, аниқроғи фоизлар асосида яшовчи тизим эканини эсдан чиқармаслик лозим. Фоизлар асосида молия-пул тизимиға ўсиш Э функцияни билдиради, яъни секинлик билан ўсиб бориб, маълум даврга келганда шиддатли ўсиш рўй беради ва юқори чегарани чеклаб бўлмайди, ўсиб кетаверади. Шу ерда Жозеф-энт номли бир мисолни келтириб отишни маъқул деб топдик. Масалан Жозеф 0-йилда 1 энт миқдоридаги пулни 5 фоизли кўпайиш шарти билан банкка қўйди. Ва бу 2009 йилга келиб 3,71 Э 40 € миқдоридаги пулга

айланди. Бу, масалан, 37,100... каби тақрибан 39 та нўл орқасидан қўйиладиган шундай катта суммага эга бўлди дегани. Бу эса Жозеф 808 миллиард дона Ер куррасича келадиган олтин шарларига teng қийматдаги бойлика эга бўлади, деганидир. Албатта айтиш мумкинки, инсон ҳеч қачон бунчалик кўпич йил яшай олмайди, деб. Лекин агар инсоннинг ўртача 85 йиллик ҳаётини оладиган бўлсак, саккиз фоиз ҳисобига кўпаядиган пулнинг қиймати 693 та айни юқорида айтилган Ер куррасига teng олтин шарларнинг қийматича бўлар экан. Бундай суммани ҳатто тасаввур қилиш мумкин эмаслигини ва бундай тўлов тизимини амалда қўллаб бўлмаслигини, шунингдек, Ер шаридаги жамики еrosti бойликларининг чегараланганини инобатга оладиган бўлсак, бундай фоиз асносида курилган тизимнинг қанчалик мантиқиз экани яқол кўриниб қолади.

Шундай тизим, кўриб ўтганимиздек, қарздорлик тамойили асосида курилган экан, бугунги кунимиздаги қарздорлик инқирознинг пайдо бўлганига унча ажабланмасак ҳам бўлаверади. Масалан, Олмонияни қарздор давлатлар орасидаги қарзи кам давлат сифатида оладиган бўлсак, 2009 йилги маълумотларга кўра ҳар сонияда ўсаётган қарзнинг миқдори ўртача 4,500 евро эди. Агар тарихдаги инқирозларга назар соладиган бўлсак, давлатларнинг қарздорлик даражаси бу даражада ўсмаган эди. Ҳозирги пайтда эса ялпи ички маҳсулотга нисбатан АҚШ даги қарздорликнинг ўсиши 350-360 фоизга етди.

Шу ерда бир савол туғилиши мумкин: нима учун инқирозни айни ипотека банкларидағи синиш (банкротлик) бошлаб берди? Албатта, инқироз вақтида ҳар қайси тармоқ қасодга учраши мумкин. Лекин айнан ипотека банклари инқирозни биринчи бўлиб бошлаб берганлари изохланадиган бўлса, албатта бу тармоқнинг ривожи ва имкониятлари миқдори жуда юқори эди.

Биргина АҚШнинг ўзида банкларнинг домино эфекти мисол таназзулга учрашларига қарши кураш сифатида 700 миллиард АҚШ доллари миқдорида ёрдам ажратила бошланди. Бунча пулни тасаввур қилиш учун шунча миқдордаги юз долларли пулларни қатма-қат тахланганда 762 км. узунликдаги масофани эгаллар экан. Шунча миқдордаги пулни банкротлик ҳолатига тушмасликлари учун давлат томонидан қутқарув ёрдами сифатида берилишига қарамай инқирознинг олди олинмади, Аксинча, давлатлатнинг қарзи яна ҳам ошиб кетади, ишсизлик миқдори кўпайиб, давлат бюджетига келиб тушадиган катта миқдордаги солиқлар иш-жойларининг қисқартирилиши натижасида унмай қолди. Бунга қарама-қарши ҳолатда эса давлатнинг ички ижтимоий-моддий таъминлаш борасидаги ва бошқа сарфларининг ва ташки қарзларининг миқдори ошиб, давлат фоиз тўловларини ҳам тўлолмайдиган даражага тушшиб қолди.

Хулоса қиласидиган бўлсак, бу тизим узоққа бормайди, қачондир янги пул тизими жорий этилиши табиий. Акс ҳолда давлатлар бундай тусдаги қарздорлик ботқоғидан чиқиб кета олишмайди, балки қайта-қайта инқирознинг янги турлари пайдо бўлаверади, қарзлар

эса осмонга чиқиб кетаверади.

Энди “унда нима учун Юнонистон каби банкротликка тушиб қолған давлатта яна қарз бериш орқалигина ёрдам берилмоқда”, деган саволга жавоб берадиган бўлсақ, тизимни маълум миқдорда ушлаб туриш учун шу усулни фақат вақтингчаликка қўллаш мумкинdir. Лекин бу ечим эмас, балки иқтисодиётни вақтингчалик кучлантириш усулидир.

## ЕЧИМ ТОПИШ МУМКИНМИ?

Қўштироқ ичида айтиб ўтилаётган “тизим”даги ечимларга тўхталағидан бўлсақ, дунё эксперлари пулининг кўпайтириш ниятида бўлганларнинг пулларини ҳимоялаш мақсадида бундай тизимда пулларини фақат хом-ашё, масалан, газ, нефт, қимматли металлар, сув заҳираларига қўйишларини маслаҳат беришмоқда. Лекин улар банкларга нақд пул шаклида маблағ қўйишдан қайтаришмоқда. Юқорида айтиб ўтилган манбалар эса сайёрамизда тобора камайиб, тақчил ҳолатга келиб қолган, ҳатто оддий ичимлик суви заҳираси ҳам тобора камаймоқда. Ҳар қандай тақчил нарсанинг ўша пайтдаги қиймати ҳам энг юқори бўлади. Пулининг кўпайтириш мақсадида бўлганларга кўчмас мулкка ҳам пул қўйишлари мумкинликларини айтилмоқда.

Бу молия-иқтисодий тизимнинг аҳволи қачон яхшиланиб, қачон ёмонлашини аниқлашнинг имкони йўқлиги учун ҳар бир оддий хусусий шахсни ҳимоялаш давлат учун жуда муҳимdir. Аммо бу тизим янгиланиб, қаҷондир ҳамма нарсани бошидан бошлашга тўғри келиши аниқ. Бу дегани, янги пул тизими жорий этилиши аниқ ҳолатdir. Лекин бу қачон содир бўлади, буни ҳеч бир кучли иқтисодчи ҳам айтиб бера олмаслиги ҳам айни ҳақиқатdir. Шу ўринда савол туғилади: дунё қачонгача бу рибо тамойилига қўриладиган тизимларни қайта-қайта жорий қилишдан чарчаб, ундан воз кечар экан-а?

Аллоҳнинг йўлидан боз тортилган ҳар қандай нуқтада инсоният албатта таназзулга учраши


тайинлигини қайсиdir маънода дунё ўз фаолиятида яхши англаған бўлса-да, ечимни Ислом шариатидан излаб кўришни ва Аллоҳ таоло жорий этган шариат тамойилидаги тизимни ўрнатишни хаёлига ҳам келтираётгани йўқ.

Аллоҳ таоло Ўз Каломида айтганидек, рибо (судхўрлик) тамойилидаги тизим бузук ақидага асослангани учун ҳам узоққа бормайдиган ва бир куни ҳалокат ҳоҳида ўлим топадиган тизимdir. Аллоҳ таоло айтади: “Эй иймон келтирганлар, рибони бир неча баробар қилиб еманглар. Аллоҳга тақво қилинглар, шояд нажот топсанглар” (Оли-Имрон, 130). Бу ҳақда Пайғамбаримиз Мұхаммад алайҳиссаломдан ҳам жуда кўп ҳадислар бор. У зот (соллаллоҳу алайҳи васаллам): “Қайси қавм орасида зино ва рибо авж олса, улар ўзларига Аллоҳнинг азобини ҳалол қилган бўлишади” (Абу Яъло ривояти); “Кишининг билатуриб рибодан еган бир дирҳами ўттиз олти марта зино қилганидан оғирроқдир”. Аллоҳ таоло ҳаром қилган рибо асосига қурлиган ҳар қандай иқтисод ва молия тизимининг узоққа бормаслиги бугунги кунда ҳаммага беш қўлдай аён бўлиб қолди. “Бузоқнинг югургани сомонхонагача”, дейдилар. Аллоҳ қонунларидан четлашган ҳар қандай иш-амал албатта ҳалокатга учраши, хонавайрон бўлиши исбот талаб этмас ҳақиқатdir. Инқирозга юз тутган тизим ўрнига яна шунга ўхшаш рибохорлик тизимини жорий этишга бош қотираётган дунё давлатлари наҳотки Ислом давлатларидаги мавжуд исломий иқтисодиёт ҳамда молия тизими аллақачон ечимни топиб қўйганини билмайдилар? Аллоҳ буюрган муомалот усулини қўллаш давр ва макондан қатъи назар, ўта долзарб бўлиб турган вазифа эканини аниқлаш айнан бош мақсад бўлиши инқирозлар ечимини топиш деганидир. Аллоҳнинг йўлидан бошқа ҳар қандай йўл ботилликдан бошқа нарса эмас ва у албатта касодга учрагувчиdir.

(Материални тайёрлашда кўпгина хорижий интернет-ахборот манбаларидан ҳамда Rehberger GmbH консультантлик компаниясининг маҳсус тайёрлаган видео маъruzalariдан фойдаланилди).



# ҚУРЪОНИ КАРИМ СУВ ҲАҚИДА



Атоқли франсуз тиббиёт олимиси Морис Букай номи Ислом оламда яхши таниш. Насронийлик эътиқодида тарбияланган Морис Букай Франсия университетининг тиббиёт факултетини «аъло»га тамомлаган. 1945 йилдан Париж дорулфунунида табиб, 1952 йилдан эса жарроҳлик бўлими мудири бўлиб ишлаб келмоқда. У бир қанча халқаро жамиятлар аъзоси ва қатор илмий-оммабоп асарлар муаллифири.

1981 йили Франсия ҳукумати Миср Араб Республикасидан Фиръавнинг жасади устида илмий тажриба асосида археологик тадқиқотлар ўтказишга руҳсат сўрайди. Жарроҳларга раҳбар ҳамда тадқиқот ишларида масъул этиб профессор Морис Букай тайинланади. Ана шу тадқиқотлар чоғида Қуръоннинг ҳақлигини англаб етган Морис Букай мусулмон бўлади. Шундан сўнг у ўн йил давомида Қуръонда хабари келган илмий қашфиётларни тадқиқ қилиш билан шуғулланди. Натижада унинг тадқиқотлари Аллоҳнинг қаломи ҳақлигини исботлади. Бу соҳадаги билимларини янада ошириш учун араб тилини ўрганди ва Қуръони карим маъноларини таҳлил қилди. Нихоят, у ўзининг дунёда машҳур “Таврот, Инжил, Қуръон ва ҳозирги илм” асарини ёзди. Ҳозир нашрга тайёрланаётган ана шу китобдан бир парчани журналхонларга илиндик.

Сувнинг инсон ҳаётида тутган ўрни ҳақида

Қуръондаги оятларни ўқир эканмиз, бугунги кун кўзи билан қараганда ҳамма биладиган оддий далиллар ёзилганга ўхшаб кўринади. Чунки замонавий илм-фан қашфиётлари сабабли биз бугун табиатда сувнинг айланиш жараёни қандай рўй беришидан озми-кўпми хабардормиз.

Аммо қадимгиларнинг бу ҳақдаги тасаввурлари қанақа бўлганига эътибор қаратсан, Қуръонда ўз даврининг фалсафий қарашлари асосида ўйлаб топилган ва ҳақиқатга умуман тўғри келмайдиган хато маълумотлар эмас, балки ўз даври учун номаълум бўлган далиллар берилганини тушунамиз. Гарчи бу фактларни аниқлаш учун катта илмий изланишлар қилиш зарур бўлмаса-да, оддий кузатишлар орқали сезиладиган сувнинг табиатдаги айланиш жараёни фақат бизнинг замонамизга келибгина аниқланди.

Масалан, ер ости сувлари ерга ёқсан қор ва ёмғир сувларининг ер остига сингиши натижасида пайдо бўлиши бугун ҳаммага маълум, аммо қадимда бу фикр биринчи марта милоддан олдинги 1-асрда Римда Витрувий Пол Маркус (Vitruvius Pollio Marcus) томонидан илгари сурилганида кўпчилик бунга ишонмаган. Ундан кейинги асрларда, шу жумладан Қуръон нозил бўлган даврда ҳам одамлар сувнинг айланиш жараёни ҳақида умуман нотўғри тасаввурга эга бўлишган.

Шу соҳанинг икки мутахассиси – Г.Гастиани (G. Gastany) ва Б.Блаву (B. Blavou) ўзларининг Бутунжаҳон Энциклопедиясига «Гидрогеология» (Hydrogéologie) сарлавҳаси билан ёзган мақолаларида бу мавзуга оид кизиқарли тарихий маълумотларни тақдим этишган:

«Милоддан олдинги 7-асрда Фалес Милетский (Thales of Miletus) океан сувлари буғга айланиб, шамоллар таъсирида ҳавога кўтарилади ва кейин яна ерга қайтиб, ер остига сингиб кетади, деган фикрни илгари сурган. Бу фикрни Афлотун (Plato) ҳам кўллаб-куватлаган, фақат ҳавога кўтариленган сувлар ер ва осмон орасидаги «тартар» (Tartarus) номли қатламда сақланади, деб ўз фикрини ҳам илова қилган. Бу фикр милоднинг 18-асригача жуда кўп олимлар орасида кенг тарқалган ва хатто Декарт (Descartes) ҳам унинг тарафдорларидан бири ҳисобланган. Арасту фикрича, сув буғи баланд тоғ ғорларида йигилиб, кейин ўша ердан ер ости сувларига қўшилиб кетган ва булоқларни тоза сув билан таъминлаб турган. Бу фикрни милоднинг 1-асрида Сенека (Seneca) ва 1877 йилгача яшаган яна жуда кўп бошқа олимлар, шу жумладан О.Волжер (O. Volger) ҳам кўллаб-куватлаган. Сувнинг айланиш жараёнини биринчи марта 1580 йили Бернард Палисси (Bernard Palissy) исботлаб бера олган. Унинг назариясига кўра еrostи сувлари ерга сингиб кетадиган ёмғир ва қор сувлари натижасида ҳосил бўлади. Бу назария 17-асрда Э.Мариотт (E. Mariotte) ва П.Перро (P. Perrault) томонидан тасдиқланган».

Қуидаги Қуръон оятларида Мұхаммад (алайхиссалом) даврига хос хато маълумотларнинг биронтасини учратмаймиз:

«Биз осмондан баракотли сув — ёмғир ёғдириб, унинг ёрдамида боғ-роғларни ва ўриб олинвчи дондунларни ҳамда тизилган (мевали) новдалари бўлган баланд хурмоларни ундириб-ўстирдик. Бандаларга ризқ бўлсин учун (мана шундай қилдик). Яна у (сув) ёрдамида ўлик шаҳарни -- ерни тирилтиридик (Ўликларнинг ўз қабрларидан қайта тирилиб) чиқишлари ҳам мана шундай бўлур» (Қоф сураси, 9-11-оятлар)

«Ва Биз осмондан (аник) ўлчов билан сув (ёмғир-кор) ёғдириб, уни ерга жойлаб қўйдик. Шак-шубҳасиз, Биз уни кетказишга ҳам қодирдирмиз. Сўнг Биз сизлар учун у (сув) ёрдамида хурмо ва узум боғларини пайдо қилдик. Сизлар учун у (боғларда) яна кўп мевалар бўлур, сизлар улардан ейсизлар» («Мўъминун» сураси, 18-19-оятлар)

«Биз шамолларни (булутларга) ҳомиладор бўлган ҳолларида юбордик, осмондан сув (ёмғир) ёғдириб, сизларни у билан сугордик. Уни сизлар тўплаб оловчи эмассиз (балки дарё ва кўллар яратиб, у сувни Биз сизлар учун тўплаб берурмиз)» (Ҳижр сураси, 22-оят)

Сўнгги оятни икки хил тафсир қилиш мумкин. Ҳомиладор қилинадиган шамоллар ўсимликларни чанглатишга ишора қилаётган бўлиши мумкин, чунки улар чанглатишга сабабчи бўладиган уруғларни олиб келишади. Иккинчи томондан, бу шунчаки ифодали ўҳшатиш бўлиб, шамолларнинг ёмғири йўқ булутларни учириб юриб, кейин ёмғирли булутларга айлантириши ифодаланган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Шамолларнинг ушбу вазифаси ҳақида кўп ўринларда, жумладан қуидаги оятда ҳам ҳикоя қилинади:

«Аллоҳнинг Ўзи шамолларни юборди. Бас, улар булутни кўзғатгач, Биз уни ўлик шаҳарга хайдаб, унинг ёрдамида ўлган ерни тирилтиридик (Қиёмат қойим бўлган Куни) қайта тирилиш ҳам шунинг ўзидир» (Фотир сураси, 9-оят)

Эътибор беринг, учинчи шахсда ҳикоя қилинаётган оят бирдан Аллоҳ томонидан биринчи шахсда давом эттирила бошланган. Бу каби ҳикоя услубининг ўзгариш ҳолатлари Қуръонда жуда кўп учрайди.

«Аллоҳ шундай Зотдирки, шамолларни юборур, бас, улар булутни ҳайдар, сўнг (Аллоҳ булутни) Ўзи хоҳлагандек ёюр ва (агар хоҳласа) уни бўлак-бўлак қилур, бас, Сиз уларнинг орасидан ёмғир чиқаётганини кўрурсиз. Энди қачон (Аллоҳ) уни Ўзи хоҳлаган бандаларига етказса, беногоҳ улар шод-хуррам бўлурлар» (Рум сураси, 48-оят).

«У шундай Зотки, Ўз раҳматининг (яни ёмғирнинг) олдидан хушбар қилиб шамолларни юборур. Қачонки улар вазмин булутларни кўтариб келгач, биз уни (булутни, чанқоқ) ўлик шаҳарга ҳайдаймиз. Бас унга сув-ёмғир ёғдириб, унинг ёрдамида ҳар турли мевалар чиқарурмиз. Биз ўликларни ҳам (ўз жойларидан) мана шундай чиқарурмиз. Шояд эслатма-ибрат олсангизлар» (Аъроф сураси, 57-оят).

«У Ўз раҳматининг (яни, ёмғирнинг) олдидан хушбар қилиб шамолларни юборган Зотдир. Биз ўлик шаҳар-масканларни тирилтириш ва Ўзимиз яратган кўплаб чорва ҳайвонлари ҳамда инсонларни суғориш учун осмондан пок сув ёғдиридик» (Фурқон сураси, 48-49-оятлар).

«Яна кеча ва кундузнинг алманиши туришида ва Аллоҳ осмондан ёғдириб, унинг ёрдамида «Ўлган» ерни тирилтирган ризқ-ёмғирда ҳамда шамолларнинг ўзналтирилишида ақл юргизадиган қавм учун оят-ибратлар бордир» (Жосия сураси, 5-оят).

Сўнгги оятда осмондан сув кўринишида юбориладиган ризқ ҳақида гапириляпти. Асосий эътибор ёмғирнинг айланишига сабаб бўладиган шамолларнинг ўзгаришига қаратиляпти.

«(Аллоҳ) осмондан сув (ёмғир) ёғдирганида, жилғалар тўпланиб-тошиб, оқиб, бу сел ўз устида кўпикларни ҳам кўтариб келур. (Одамлар) зеб-зийнат ёки асбоб-ускуна ясаш учун ўтда эритадиган нарсамаъданлардан ҳам шунга ўхшаш кўпик (чиқинди пайдо бўлур» (Раъд сураси, 17-оят);


«(Эй Мұхаммад алайхиссалом, у мушрикларга) айтинг: Хабар берингиз-чи, агар (беногоҳ ичар) сувларингиз (Ер тубига) сингиб кетар бўлса, у ҳолда (Аллоҳдан ўзга) ким сизларга оқар сув келтира олур?!» (Мулк сураси, 30-оят);

«(Эй Мұхаммад алайхиссалом), Аллоҳ осмондан сув (ёмғир-кор) ёғдириб, уни Ердаги булоқлар-чашмалар қилиб оқизиб қўйганини кўрмадингизми? Сўнгра у (сув) нинг ёрдамида ранго-ранг экин-тикин чиқарур» (Зумар сураси, 21-оят)

«Яна Биз у (ер)да хурмозор ва узумзор боғларни (пайдо) қилдик ва унда булоқларни оқизиб қўйдик» (Ёсин сураси, 34-оят)

Булоқларнинг аҳамияти ва улар ёмғир сувлари билан суғорилиши ҳақида сўнгги уч оятда маълумот берилляпти. Шу ўринда бир сония тўхтаб, қуидаги фактларга эътибор бериш ва Ўрта асрларда булоқлар ер ости сувлари билан суғорилади, деган фикр устун бўлгани ва буни ҳатто Арасту ҳам илгари сурганини унутмаслик керак. Бутунжакон Энциклопедияси китобида Гидрология (Hydrologie) мавзусини изоҳлар экан, Франсия Астрономия миллий маркази ўқитувчиси М.Р.Ременгерас (M.R. Remenieras, Ecole nationale du Genie rural, des Eaux et Forêts) гидрологиянинг асосий босқичларини санаб ўтади ва қадимгилар, хусусан Яқин Шарқ ҳалқлари томонидан ясалган улкан сугориш мосламаларини мисол келтиради. Лекин бу мосламалар нотўғри тасаввурга асосланиб қурилгани учун кўп фойда бермагани ҳам айтиб ўтилади. Муаллиф яна давом этади:

«Фақат Уйғониш даврига келибгина (тажминан 1400 ва 1600 йиллар ораси) фалсафий қарашларга асосланган нотўғри маълумотлар ўрнини илмий кузатувлар натижасида олинган хулосалар эгаллади. Леонардо да Винчи (Leonardo da Vinci, 1452-1519) Арастунинг фикрини инкор қилди. Бернард Палисси



(Bernard Palissy) ўзининг «Табиий ва сунъий фавворалар ва сувларнинг табиатда айланишига оид ажойиб кашфиёт» (Discours admirable de la nature des eaux et fontaines tant naturelles qu'artificielles, Paris, 1570) китобида сувнинг айланиш жараёнини тўғри изоҳлаб берди ва булоқлар ёмғир сувлари билан суфорилишини аниқлади».

Мана шу сўнгги жумла Қуръоннинг «Зумар» сураси 21-оятидаги фикрни тасдиқлайди, Қуръонда ҳам булоқлар ёмғир сувлари билан суфорилиши ёзилган.

«Нур» сурасининг 43-ояти ҳам ёмғир ва чақмоқ мавзусига бағишлиланган: «Аллоҳ булатларни ҳайдашини, сўнгра уларни бирлаштиришини, сўнгра уларни устма-уст қилишини кўрмадингизми? Сўнг (булут) орасидан ёмғир чиқаётганини кўурсиз. (Аллоҳ) осмондан — ундаги (булатлар) тоғидан дўл ёғдириб унинг (зиёнини) Ўзи хоҳлаган кишиларга етказур ва Ўзи хоҳлаган кишилардан нари кетказур. Унинг чақмоғининг ёруғлиги (қараган) кўзларни кетказгудек бўлур».

Кейинги парча эса бироз қўшимча изоҳ талаб қиласди:

«Сизлар ўзларингиз ичадиган сув ҳақида ҳеч ўйлаб кўрдингларми? Уни булатлардан сизлар ёғдиридингларми ёки Биз ёғдиргувчимизми?! Агар Биз хоҳласак, уни шўр қилиб қўйган бўлур эдик. Бас, шукр қилмайсизларми?!» («Воқеа» сураси, 68-70-оятлар)

Аллоҳ чучук сувни хоҳласа шўр сув қилиб қўйиши мумкинлиги илоҳий қудратга ишора. Илоҳий қудрат шунингдек булатлардан ким ёмғир ёғдириши, инсон хоҳласа ҳам бу ишни қила олмаслиги билан яна бир марта таъкидланяпти. Бизнинг давримизга келиб замонавий илм-фан технологиялари ривожланиши натижасида бугун сунъий равишда ёмғир ҳосил қилиш мумкин. Шунга асосланиб Қуръондаги оятни ёлғонга чиқарса бўладими?

Жавоб аниқ – йўқ, чунки бу борада инсоннинг имкониятлари қанчалик чегаралангани ва сунъий ёмғир ҳосил қилишда замонавий технологиялар атрофдаги кўплаб табиий ҳолатларга боғлиқ экани ҳеч кимга сир эмас. Франсия метереология хизмати мутахассиси М.А.Фаси (M.A. Facy) Бутунжаҳон Энциклопедиясининг «Ёғингарчиликларнинг тушиши» (Precipitations) бобида шундай деб ёзади: «То булат ўз эволюциясининг маълум

босқичига чиқмагунича (вояга етмагунича) ёки ёмғир булутига хос зарур хусусиятларга эга бўлмагунича ҳеч қачон бу булатда сунъий равишда ёмғир ҳосил қилиб бўлмайди». Демак, то булатда маълум табиий ўзгариш рўй бермас экан, инсон ҳеч қачон техник воситалар ёрдамида унда сунъий равишда ёмғир яратса олмайди. Агар бунинг имкони бўлганида Ер куррасида қурғоқчилик муаммоси қолмаган бўларди, ваҳоланки бу муаммо ҳалигача тутатилган эмас. Ёмғирга хўжайинлик қилиш ва об-ҳавони инсон хоҳишига кўра бошқариш орзулигича қолиб кетишини замонавий илм-фан ҳам тан олди.

Инсон ўз хоҳишига кўра табиатда сувнинг айланиш жараёнига аралашиши, унинг босқичларини ўзгартира олиши, тезлаштириши ёки секинлаштириши имкониз. Табиатда сувнинг айланиш жараёни гидрологияга оид замонавий кузатишлар асосида қўйидагича изоҳланиши мумкин:

Қўёшнинг нурларидан келадиган иссиқлик таъсирида денгиз сувлари ва ернинг устки қобиғига чиқиб қолган ер ости сувлари буғланади. Ҳосил бўлган буғ атмосферага кўтарилади, у ерда конденсацияланади ва кейин булатларга айланади. Кейин шамолларнинг аралашуви рўй беради ва улар турли масофалардаги булатларни ҳаракатга келтиришади. Булатлар бу босқичда ёмғир ҳосил қилмасдан туриб тарқалиб кетиши, ёки бошқа булатлар билан қўшилиб катталashiши, ёки кичик қисмларга бўлиниши, ёки ривожланиб кейин ўзи ёмғир ҳосил қилиши мумкин. Агар бу ёмғир денгизларнинг устига ёғадиган бўлса (Ер сатҳининг 70 фоизи сув билан қопланган), сувнинг айланиш жараёни тез орада яна тақрорланади. Агар ёмғир қуруқликка ёғса, ўсимликлар улардан суфорилади, ўсиб-унади ва сувнинг маълум қисмини бариб атмосферага қайтариб беради. Қолган ёмғир сувлари ерга сингиб, ё ер ости йўллари орқали денгизларга бориб қўшилади, ёки булоқлар ва ер ости сувларига айланиб кейин бариб ернинг устига қайтиб чиқади ва яна буғланниб атмосферага кўтарилади.

Агар гидрологияга оид замонавий маълумотларни Қуръондан олинган юқоридаги оятларга таққослайдиган бўлсак, икки матн орасида ажойиб уйғунлик борлиги кўзга ташланади.

# МУСУЛМОН ИСРОФГАР БЎЛМАЙДИ

Бугун ҳаммамиз исрофгарларнинг исрофгарига айланиб кетдик. Деярли кўп нарса, у қимматми ёки арzon, аҳамиятлими ёки аҳамиятсиз, нодирми ёки сероб, ҳамма нарса бараварига исроф қилингани. Хонадонларимизда ортиб қолган таомлар ташлаб юборилмоқда. Ахлат уюmlари орасида энг азиз неъмат бўлмиш нон ҳам пайдо бўлгани ачинарли. Тўйлар, байрамлар, тантаналар ва бошқа маросимлардаги исрофгарчилклар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Ейишга яроқли қанча неъматлар увол бўлиб кетади. Бут-бутун, ҳали кийишга яроқли кийимларимизни, пойабзалларимизни “урфдан қолди” деган сабаблар билан чиқариб ташлаяпмиз. Бошқалардан ортда қолмаслик учун деярли янги уйларни бузуб, ўрнига бошқасини қуряпмиз.

Ҳаётимиз учун энг зарур неъмат бўлган сув исрофи ҳаммасидан ошиб тушяпти. Ҳозир жаҳонда ичимлик суви муаммоси энг биринчи даражали ташвишлардан бўлиб турибди. Бугунги кунда дунёда 1.100.000.000 киши ёки жами аҳолининг олтидан бир қисми тоза ичимлик сувига муҳтож. Ҳозирги пайтда жами 470 миллион киши сув тақчиллиги кескинлашган минтақаларда, 2,4 миллиард киши эса, сув тозалаш қурилмалари ва дренаж тизими орзулигича қолаётган ўлкаларда яшайди. Яна йигирма йилдан кейин сув етишмайдиган ўлкаларда яшовчилар сони олти бараварга кўпайиб, уч миллиард кишига етиши кутилмоқда. Сифатли ичимлик суви етишмаслигидан жаҳонда йилига ўн миллион киши касалланиб, нобуд бўлаёттир.

Дунёнинг жуда кўп мамлакатларида миллионлаб одамлар тоза ичимлик сувига ташна, бир чеълак сув учун жанжал-можаролар бўлаётган бир пайтда бизлар тоза ичимлик сувини жўмраклардан оқизиб қўйяпмиз. “Нега бундай?” десангиз, “совуқда музлаб қолади”, деб баҳона топамиз. Тоза ичимлик суви билан экинларимизни суғорамиз, машинамизни ювамиз, ичимлик сувини салқинлатиш учун ҳовлиларимизга, кўчаларимизга сепамиз. Таҳорат ва фусл қилишда одамларнинг қанчалар сув исроф қилаётганини кўрганда айниқса тежамкорлик деган нарсани батамом унтутилганига икror бўласиз. Ваҳоланки Сарвари коинот (алайҳиссалом) бир литрча сув билан таҳорат олганлар, фуслга эса уч литрча сув ишлатганлар. Бизларга ўхшаб бир марта чўмилиш учун ваннани тўлатиб сув сарфламаганлар.

Гугурт тежаш учун ёки хонани иситиш мақсадида газимиз кун бўйи ёқилганича қолади. Зарурати бўлмаса ҳам уйларимизда, хонадонларимизда, ишхонамизда электр чироқлари соатлагб ёниқ туради, ҳеч ким кўрмайтган телевизорни ўчириб қўймаймиз, компьютерларимиз зарурати бўлмаса ҳам ишлайверади. Ахир, ҳамма нарсанинг уволи бор. Халқимиз “нимани хор қилсанг, ўшанга муҳтож бўласан”, деди.

Жуда кўп ўлкаларда бўлганман, ўша ердаги одамларнинг исрофнинг олдини олиш, ҳар бир нарсани тежаб-тергаб ишлатиш борасидаги ишларини, тажрибаларини кўриб, биздаги исрофгарчилклардан кўп марта ўқинганман. Саудия Арабистонининг аксари

мусоғирхоналарида сув жўмракларига махсус мослама ўрнатилган, қўлингизни жўмракка яқинлаштирангиз, сув тушади, тортиб олишингиз билан келаётган сув тақقا тўхтайди. Бундай сув жўмракларини Туркия ва Олмонияда ҳам, Финландия ва Эронда ҳам кўрганман. Жуда кўп мамлакатлarda хонадонга кираверишдаги ёритиш чироқларига махсус реле қўйилган шекилли, калитни эшик қулфига солиб, очгунингизгача чироқ ёниб туради, маълум вақт ўтиши билан дарров ўчади. Болгарияда бўлганимда, қўча ва йўлкалар четига ёнма-ён учтадан ахлат қутилари қўйилганини кўрдим. Таржимондан бунинг сабабини сўрасам, бири кераксиз ахлатлар учун, иккинчиси елим баклашкалар, халталар учун, яна бири эса қофоз, латта, металл каби қайта ишласа бўладиган нарсалар учун экан. “Тежамкорлик бундоқ бўпти”, дея роса ҳавасим келганди.

Исроф жамиятнинг истисносиз барча табакалари орасида тузалмас бир дардга айланиб бўлди. Одамларимиз ҳатто исрофгарликлари билан мақтанадиган бўлишиди. Болаларимиз катталардан ўрнак олиб, неъматнинг қадрини билмайдиган, нарсаларини бўлар-бўлмасга ташлаб юборадиган ҳолга келишиди. Улар китоб-дафтарларини, ўйинчоқларини, кийим-бошини авайламайдиган, ота-оналари машақкат билан топган пул ва мулкини тежамайдиган бўлиб тарбия топяпти.

«Исроф» деганда кераксиз нарсаларга беҳудага пул сарф этиш, фойдасиз сарф-харажатлар ва ҳаракатлар тушунилади. Инсон табиатан исрофгарчилликка мойил жонзот саналади. Ҳар қадамда молини беҳуда сарфлайди. Машақкат ва ҳамма нарсадан ўзни қайтаришлар эвазига йиллаб йиқкан молини ном чиқаришга қилинган кераксиз бир маросим, маърака учун бир кечада совуриб юборади. Бирор буюмнинг (масалан, улов, рўзгор ашёси ёки кийим-кечакнинг) арzonроғи тургани ҳолда бошқаларни лол қолдириш мақсадида энг қимматини сотиб олади, ҳатто «кимошди» савдосидан харид қилади.

Исрофнинг катта-кичиғиги йўқ. Бир замондош олим айтганидай, «Исрофнинг энг кичиги таом еган косанѓдаги ёғ юқини тозаламаслиқдир». Ном чиқариш, обрў қозониш, бошқалардан устун ёки пулдор эканини кўрсатиш учун уйларни ҳаддан ташқари ҳашаматли ва дабдабали қилиш, уларни хориждан келтирилган қимматбаҳо ашёлар билан жиҳозлаш, кийимнинг янги урф бўлгани (модадаги) изидан пул сочиш, зиёфат ва маросимларни бошқаларницидан бир неча баробар дабдабали, серчиқим қилиш ҳам давримиздаги исрофнинг кўринишларидандир.

Тошкент тўйхоналаридан бирида (!) ўтказилган «марҳумни хотирлаш» маросими дастурхонига тортилган неъматларнинг кўплигидан, ранг-баранглигидан, қимматбаҳолигидан ҳамма ҳайратда қолди. Ҳатто меҳмонлардан бири таажжубини яшира олмай: «Пул топибию, аммо сал ҳаддидан ошибдида» деди. Тўғри, унга мўл-кўл давлат берилган бўлса, инсончилик туфайли буни элга билдиргиси келади, катта

сарфлар билан ўзининг нималарга қодирлигини кўрсатмоқчи бўлади.

Лекин ҳамма ишда меъёр яхши, мўътадиллик яхши. Менга бойлик берib қўйилибди, дёя уни ҳар томонга сочавериш, айниқса буюрилмаган ишларга харжлаш савоб ўрнига гуноҳ эшикларини очиб юбориши мумкин. Бунинг ўрнига маҳалладаги ночор яшаётган бир фақир оиланинг кам-кўстини қилиб бериш, ўқиш ҳақи (контракт) пулини тўлай олмаётган бир талабага елка қўйиб юбориш, уйланиш учун маблағ топа олмай гангид юрган бир ёш оиланинг мушкулини осон қилиш, қарзини тўлай олмаётган бир танишини қўллаб юбориш мумкинку!

Ҳаётини, эътиқодини нима қилиб бўлса ҳам бойиш, бу йўлда ҳар қандай ахлоқий меъёрлардан воз кечиш устига қурган Фарбнинг расимол (капитал) дунёси ҳар ишда фақат ўз фойдасини кўзлайди. Истрофнинг олдини олиш ўёқда турсин, гугурт чўпини ҳам одамларга текинга бермаслик учун қанчалаб керакли неъматларни йўқ қиласди, уммонга улоқтиради ёки ёқиб юборади. Газетларда пўртахол ёки банан ҳосили кутилганидан ортиб кетса, унинг баҳоси тушиб, фойда камайиб кетишидан кўрккан сармоядорларнинг тоннатонна неъматларни муҳтоҷларга тарқатмай, сувга оқизишганини кўп ёзишган. Яна шуниси ажабланарлики, улар меваларни одамлар сувдан чиқариб олмасин, деган хавфда соҳилларга ҳеч кимни яқинлаштирмайдиган соқчиларни ҳам тайинлашади.

Иstrofгарликнинг охири надомат билан тугайди, ҳалокат билан якунланади. Иstrofгар қанчалик бой бўлмасин, алал-оқибат барibir камбағалга айланади. Шамини кундузи ёндирган одамнинг туни қоронғу бўлади. Пулини, молини, бошқа неъматларни хор қилган иши оғир кунда ўзи ҳам хор бўлади. Тасаввур қилинг: бир

уй тўла оч-яланғоч одам ўтирибди. Уй совуқ, егани ҳеч вақо йўқ, хасталарга табиб чақиргани, доридармон олгани ҳам пул йўқ. Оила аъзоларининг барчаси ғамга ғарқ бўлган, ҳатто болаларнинг кўнглига шўхлик сифмайди. Мана шу кўнгилсиз ҳолатнинг бош айбдори кераксиз ўринга мол сарфлаган, иқтисод, тежаш деган гапларни аллақачон унубтиб юборган оила бошлиғидир. У «Пул мени эмас, мен пулни топаман», деб эртасини ўйламай топганини бехуда совурган.

Истроф динимизда қаттиқ қораланган. Аллоҳ таоло айтади: «(Бахиллик билан) қўлингизни бўйнингизга боғлаб олманг! (Иstrofгарчилик қилиш билан) уни бутунлай ёзib ҳам юборманг!» (Ал-Иstro, 29); «Улар инфоқ-эҳсон қилган вақтларида истроф ҳам, хасислик ҳам қилмаслар» (Фурқон, 67).

Абдуллоҳ ибн Аббосдан (р.а.) ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сени икки хислат – фахрланиш ва истрофгарчилик хатога бошламаса, хоҳлаганингни еб, хоҳлаганингни ичавер», деганлар» (Ином Бухорий ривояти). Фахри коинот айтганиларидек: «Енглар, ичинглар, садақа қилинглар, аммо истрофгарчилик ва фахрга ўтманлар»; «Ким ҳаётда тежамкор бўлса, зинҳор қашшоқликка тушмайди». Иstrofгар жаннатга кирмайди, дейилган.

Тўғри, пулга, мол-дунёга муҳаббат қўйиш, пул устига пул йиғиш ёмон хулқлардан саналади. Аммо кераксиз ўринга пул-мол сарфлаш ҳам ақлга зид ишдир. Бир донишманд айтганидай, «саховатли бўл, аммо истроф қилма, тежамкор бўл, лекин баҳил бўлма». Иstrof сахийлик эмас, тежамкорлик баҳиллик эмас. Тежамкор иши пулини керагидан ортиқча сарфламайди. Юз сўмга олинадиган нарсага ҳовлиқиб минг сўм тўламайди. Пулини фақат ҳаёти, рўзфори, эҳтиёжи учун зарур бўлган

нарсаларгагина харжлайди. Тежаган иши асло фақир бўлмайди, балки икки дунё саодатига эришади.

Иноми Аъзамнинг фоят ибратли бир гаплари бор: «Хайр (яхшилик) ва эҳсонда исроф бўлмаганидек, исрофда ҳам ҳеч қандай хайр йўқдир». Дарҳақиқат, Аллоҳ розилиги йўлида ўзгаларга ҳар қанча хайр-эҳсон (яъни, яхшилик) қилсангиз ҳам ортиқчалик қилмайди, исроф бўлмайди. Аксинча ҳар қандай ишда исрофга йўл қўйсангиз, у ҳар қанча чиройли кўринмасин, ортида ҳеч бир яхшилик йўқ. Пулни ҳисоб-китоби билан сарф қилиш фойданинг ярмидир.

Иstrofгарлардан бири Суқрот ҳакимга камбағал бўлиб қолганидан шикоят қилди. Суқрот ўша одамга шундай маслаҳат берди: «Иstrofингга бир чегара қўйиб, пулингни тежа, ўзинг ўзингдан қарз ол, шунда ахволинг ўнгланади». Улуғ донишманднинг тавсияси бугунги кунимизда ҳар қадамда исрофга йўл қўйса-да, яна ҳаёти ночорлигидан шикоят қилиб фифони фалакка чиқаётган айрим кишиларга ишоратдек туюлмайдими?

Иstrof деганда фақат маблағ, бойлик ёки мулкни совуриш тушунилмайди. Қимматли вақтни бехуда кетказиш, фойдали ишларга сарфламаслик ҳам исрофдир. Кучқувват ва салоҳиятни эл-юртга ёки ўзига фойда келтирмайдиган нарсаларга йўллаш ҳам исрофдир. Соғлиқнинг қадрига етмай, тинкани қуритадиган ёки саломатликка хавф соладиган ишларга муккадан кетиш ҳам исрофдир. «Иstrofнинг катта-кичиги бўлмайди», дейишади. Иstrofнинг энг оғир гуноҳлардан эканини ҳис этайлик. Ҳамма ишда тежамкор ва тадбирли бўлиш мусулмон ахлоқининг зарур шартларидан эканини бирор сония ҳам унутмайлик. Шунда чин мусулмон бўламиз, чунки мусулмон исрофгар бўлмайди!

Аҳмад МУҲАММАД

# КАТТА УРУШ НЕГА ОРТГА СУРИЛМОКДА?

«Эрон феномени» ёки Фарбнинг яна бир геосиёсий “үйин”и

Алексей Синицин, NET-FAX бош мұхаррири: “Эрон қолган дунёга қарши” шамойилидаги ахборот уруши чүккисига чиқди. Давлатларнинг ёки ҳарбий-сиёсий тузилма (блок)ларнинг раҳбарлари зудлик билан Эронга қарши жабха очиш имкониятини рад этишаётганига афтидан ҳеч ким эътибор бермаяпти, шекилли. Можаронинг кўзда тутилган қатнашчилари баобўр идораларнинг пухта ўйлаб тарқатган “миш-миш”лари ва мътабар мутахассисларнинг баёнотлари ёрдамида бир-бирларига ахборий зарбаларни беришяпти.

Бир қарасанг, Британиянинг “Гардиан” газетаси ҳукуматдаги манбаига таяниб хабар беришича, АҚШ, Британия ва уларнинг иттифоқчилари Эроннинг ядро нуқталарига зарба бериш режасини тузётган бўлади. Бир қарасанг, Истроил Миллий ҳавфсизлик кенгашининг собиқ бошлиғи генерал Гиора Айленд истроилликларнинг Эронга беражак зарбаси “енгилтаклик ҳисобланмайди”, дея таъкидлаётган бўлади. Россия армияси Бош штаби бошлиғи Николай Макаров эса Россия чегараларида, шундоққина Озарбойжон яқинида катта, ҳатто ядро уруши бўлиши мумкин, дея оловга мой қуяди. Эронликлар ҳам жим туришмаяпти – мана, олий мартабали генерал Амир-Али Ҳожизода “агар Эрон ҳавфсизлиги учун ташқаридан ҳавф туғилгудай бўлса”, Эрон Ислом Республикаси ҳукумати олдиндан зарба беришга тайёрлигини эслатиб қўйди.

Келинг, уруш бошланиши ҳавфининг омилларини эмас, балки мінтақалараро воқеаларнинг куч ишлатиш режасига қарши далилларни кўриб чиқайлик.

Александр Васяқ, генерал-майор, ҳарбий мутахассис: Мен буларни соф ҳарбий ва сиёсий далилларга ажратиб чиқсан бўлардим. Истроилда стратегик уchoқлар мавжуд эмаслигини, чунки унга буларнинг шунчаки зарурати йўқлиги ҳақида олдинроқ айтган эдим. Лекин, ҳатто F-15, F-16 қирувчи-бомбардимончилар ёрдамида шиддатли зарба бериб ҳам Эрон еrostи ядро нуқталари муаммосини ҳал этиб бўлмайди. АҚШ Эронга қарши ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш учун тайёрга ўхшайди, лекин бундай кенг миқёсли уруш оқибатлари билан америкаликлар ва НАТО ҳали тўқнаш келишмаган. Эслаб кўринг: Афғонистонда толиблар зудлик билан партизан уруши бошлашди, Ироқ олдинги урушлар билан ҳолдан тойдирилганди, собиқ Югославия бўлса, Елсин атрофидагиларнинг кўндириши билан 1999 йили “НАТО бомбардимонлари қурбони” қисматига осонгина рози бўлақолди.

Дарвоқе, Россия тутган йўл ҳақида. Президент Медведев шоҳсупада бўлганида Россия Эронга С-300 зенит ракета мажмуалари етказиб бериш бўйича тузган 800 миллион долларли шартномани бажаришдан бош тортди. Лекин ҳозир вазият тамоман бошқача. Москва

яқинда Эронга радиоэлектроника кураши тезкор воситалари, жумладан, асосий вазифаси нур тарататётган нишонларни суст ҳолда излаш бўлган “Автобаза” типидаги РЭБ мажмуалари етказиб берди. Тахмин қилиш мумкинки, Россия БМТ қарорига тушмайдиган бошқа қуро-яроғларни етказиб бериш бўйича музокаралар олиб бормоқда.

Алексей Синицин: Ҳақиқатдан ҳам, Истроилга тегишли ресурс бўлмиш “DEBKAfile”нинг жосуслик манбаларига асосланган контентида хабар қилинишича, АҚШ ва Истроил россияликларнинг Эроннинг исталган ҳудудига ўюштириладиган ҳаво ҳужумлари натижаларини кескин пасайтириб юборадиган “ELINT” жосуслик тизимининг қолган қисмларини Техронга етказиб беришидан ташвишда экан. Аммо, нега америкалик ва истроилликлар воқеаларни тезлаштириш учун, яъни эронликларнинг ядрорий дастурларида қанчалик илгарилаб кетганига қарамай, Эрондаги нишонларга ҳужум қилишмайди?

Александр Васяқ: Эроннинг ҳарбий йўл билан жавоб бериши, АҚШдаги сайловолди вазиятининг мураккаб ҳолатлари, нефт нархларининг назоратсиз ошиб кетиши ва ҳоказо каби жиддий қарши далилларига тўхталиб ўтирамайман. Барча ўйинлар “америкаликларнинг ракеталарга қарши мудофаа” тизими атрофида бўлиб, маълум вақт ўтгач, улар Россия-АҚШ муносабатларида юзага келадиган инқирозга бориб тақалади.

Эндиликда эса, АҚШ ўзининг ракеталарга қарши мудофаа тизими Қора, Баренц, Шимолий ва Болтиқ дengизларини ҳам қамраб олишини яшираётгани ҳам йўқ. Ўта шубҳали бўлса-да, аммо ягона баҳона бу ҳозирча “эроннинг ядрорий-ракета ҳавфи” бўлиб турибди. Техроннинг ядро объектларига муваффақиятли ўюштирилган ҳаво ҳужумлари Ироқ ва Сурияда бўлгани каби (бу масалани) кун тартибидан олиб ташланишига олиб келар эди. “Эрон ҳавфи” – Американинг Оврупадаги ракеталарга қарши мудофаа тизими тарғиботида “олтин тухум берадиган товуқ” кабидир. Душман қиёфасини шакллантириш оммавий ахборот воситаларида фойдаланишдан ташқари, мунозаралар жараёнида қўлланиладиган эски усул, Фарбнинг катта сиёсати учун ўзига хос бир воситадир. Аммо, Эрон ядрорий дастурининг ҳақиқий ҳолати маҳсус жосуслик хизматлари учун яхши маълум, айниқса истроилликлар мазкур дастурнинг қайси босқичда экани ҳақида жуда яхши хабардор. Афтидан, улар дастурдан ортиқ даражада ҳавотирда эмас.

Алексей Синицин: Ҳа, “Эрон иши” бор экан, иккита ядрога эга буюк давлатлар ўртасида гўёки “келишув” бордек, меҳрлари ошиб, бир-бирларига “шерикмиз” дея, янги “совуқ уруш” чегарасида мувозанатни ушлаб туришибди. АҚШ ва Россияда сайловлар бўлиб ўтиши билан бу қизиқарли ўйинга қизиқиш сўнди, дейлик.

Нима, шунда Эронга зарба бериш мүқаррар бўлиб қоладими?

Александр Васяк: Йўқ, мүқаррар бўлмайди. Эрон чекловлар билан бўғиб ташланган, мамлакатда миллий озчиликнинг норозиликлари портлай деб туриди, амалдаги ҳокимиятга қарши яширин мухолифат мавжуд. Маълум вақт ўтгач, Фарбга Техрондаги режимни алмаштириш керак бўлиб қолса, унда босиб олинган, бомбардимон қилиб ташланган, ундан ҳам ёмонроғи бошбошдоқликка ғарқ бўлган Эрон керак эмас.

Бизга маълумки, Эрон Марказий Осиёга йўлак очиб беради. Шунинг учун, Эронни Фарбнинг арzon энергетика базаси ва Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига жамоавий қарши турадиган мамлакатлар уюшмаси силсиласидаги мухим ҳалқа бўлиш ролига тайёрлашмоқда. Биринчи навбатда, Россия ва Хитойга қарши.

Алексей Синицин: Мулоҳазаларимиз мағзидан келиб чиқкан ҳолда Эронни бомбардимон қилиш заруратини йўқотадиган учинчи мухим сабабни ҳам айтишим мумкин. Айнан бугунги кунда Эрон “санитар қашқир” сифатида сунний мазҳабдаги подшоҳлик режимларини Фарбга томон қувиш вазифасини ҳам бажармоқда.

Александр Васяк: Албатта, Яқин Шарқни “демократлаштириш” араб либераллари ўрнига Саудия Арабистони ва Қатардан андоза олган олган “ақидапараст”ларни ҳокимиятга олиб келмоқда. Аммо, табиийки, Яқин Шарқдаги шиаларнинг катта жамоаларига турли йўллар билан ҳомийлик қилиб келаётган Эрон ўсиб келаётган сунний ҳукмдорларнинг сиёсий иштаҳаларини тизгинлаб туриди. Улар орасида ҳозирги Туркия раҳбарлари ҳам бор. Ишончим комилки, Эрон атрофидаги воқеалар ривожи орасида албатта ҳарбий режалар мўлжали ҳам мавжуд. Аммо уни амалга оширишга ҳеч ким шошилмаётir. Ядро дастурига эга Эрон ўзининг “сир бермаслик”даги моҳирона ҳаракатлари, аниқ иззат нафси (амбицияси) ва назоратсиз баёнотлари билан Фарб учун ва унинг мухолифлари учун ҳам жуда керак. Фақат минтақа учун эмас, балки умужаҳон геосиёсий ўйинлари учун ҳам керак.

Интернет материаллари асосида Абу Муслим тайёрлади



# ИЙМОН ҲАЛОВАТИ

(МУСУЛМОН ЙИГИТНИНГ КУНДАЛИГИ)

(Давомли асарнинг боши 4-сонда)

Талабалик мазза экан. Сени тергайдиган, ақл ўргатадиган одамнинг ўзи йўқ. Хоҳлассанг, лексияга кириб, домлаларнинг уйқу келтирадиган зерикарли маърузаларини тинглайсан. Хоҳламассанг, уч-тўрт улфат ётоқда тўпланиб, фарфонача палов ясайсан, ҳангамалашасан. Гоҳо қарта ташлашамиз, мусиқа тинглаймиз. Айримлар аста-секин ароқ ичишни, наша чекиб кайф қилишни бошлаб юборишиди.

Айниқса оқшомлари қўлимиз-қўлимизга тегмай қолади. Кимдир кечагина танишган қизини етаклаб музқаймоқ егани, ё концерт кўргани жўнайди. Бошқаси дискотекага танса тушгани кетади. Яна кимлардир ётоқнинг ўзида базми-жамшид бошлаган. Факултетимиз талабаларининг аксарияти бадавлат ва баобў хонадонларнинг арзандалари бўлгани учун ётоқхонамиз атрофида ҳатто бошқа институтларнинг қизлари шираға талпинган асаларидай тўзиб-изғиб юришади.

Хулласи кўп ўтмай бизга дарсга қатнашдан бўлак пойтахт ҳаётининг барча «жозиба» ва «лаззат»лари мойдай ёкиб тушди. Фақат гоҳи-гоҳида пул қурғур етмай қолиб бошланадиган ноҳушликларни ҳисобга олмаганда ҳамма иш аъло борар эди. Ота-онам жа қурумсоқ одамлар эмас. Ҳатто бувимлардан ҳам пайдар-пай пул келиб туришига қарамай, курсдошларим чўнтағидаги жарақ-жарақ «кўки» олдида ҳеч нарсага арзимай қолади. Чунки институтимиздагилар асосан пулдор, дасти узун, мартабали мансабдорларнинг суюмли ўғил-қизлари бўлгани учун ота-оналари улардан ҳеч нарсани аямас, барча эркаликлари ва бебошликларига чидашар эди.

Умр бўйи ўқитувчилик қилган бувим «кўп пул жўнатсак, пойтактда тергайдигани йўқлиги учун бузилиб кетади», деб менга юбориладиган маблағнинг бир меъёрда бўлишини назорат қилиб турар эдилар. «Мулла Мир Ашир, пулига ярашур» деганларидай, ҳисоб-китоб билан иш тутишга мажбур эдим. Шунинг учун кўпинча шаҳарнинг овлоқ ресторонларидағи шоҳона базмлардан, тунги ишратлар ва ишқий саргузаштлардан, катта-катта пул тикиб қимор ўйнашлардан ўзимни олиб қочадиган бўлдим. Шу сабабданми, бора-бора курсдошлар ичida яқкаланиб қолдим. Улар энди мен билан унча ҳисоблашмас, давраларига кўпда чорлашмас эди. Ҳатто қизлар ҳам ёнимдан бурунларини жийириб, энсалари қотиб ўтадиган бўлишиди. Бойвачча курсдошларим билан тенглашай десам, ҳамён қурғур кўтармайди. Кўрпага қараб оёқ узатиш керак. Бошим қотиб қолди...

\* \* \*

Бугун ётоқхонанинг қизлар турадиган қаватида курсдошимиз Нигинанинг туғилган кунини нишонлаймиз. Соқолни яхшилаб қиришиладим. Оқ кўйлагимга гулдор қизил бўйинбогимни тақдим. Кейин ёндаги дўкондан бармоқдай келадиган идишдаги фарангни атири харид қилдим. Ётоқдаги кенггина хонага кириб борганимда йигитлардан иккитаси айвончада чекиб сұхбатлашар, бир неча қиз эса дастурхон тузашда Нигинага ёрдамлашиб, шовқин-сурон кўтаришар эди.

Зиёфат бошланиб кетди. Курсдошларнинг бири қўйиб бири Нигинани табриклар, унга баҳт тилар, кейин қўллардаги қадаҳни бўшатишга даъват қилар эди. Ичиб бўлинганидан сўнг табриклаган киши ўйнаб ёки ашула айтиб беради. Менинг қадаҳдаги маъданли сувни пайдар-пай бўшатаётганимни сезиб қолган йигитлар тўпалон кўтариб юборишиди: «Э, бунақаси кетмайди, ўғил боламисан ўзи, менга қара, нима, тилакларимизга қаршимисан, сүф сендақа талабага, қизлар ичиб турсаю, умримда ичмаганман, дейишига уялмасанг!» Охири қарорим қатъийлигига ишонч ҳосил қилишгач бироз ён беришга мажбур бўлишиди: «Бўпти, ароқ ичолмасанг, манави пиводан сипкор. Маст қилмайди, ҳозир пивони боғча болалари ҳам ичяпти». Ноилож йигитлардан бири узатган қадаҳни бир кўтаришда бўшатдим. Ичимни нимадир ёндириб юборгандай бўлди. Кўзимдан ёш ҳам чиқиб кетди. «Боғча болалари ичаётган» пиводан негадир кўнглим беҳузур бўлиб, бошим чир айлана бошлади. Аҳволимни кўриб йигитлар қах-қах уришар, уларга қўшилиб қизлар ҳам хиринглашар эди.

Кейин нима бўлганини унча эслай олмайман. Ярим тунда томогим қақраб, бошим торс ёрилай деб уйғониб кетдим. Қарасам, хонамизда ётибман. Каравотга, полга қайт қилиб ташлабман. Аҳволим жуда ночор эди. Шеригим Дилмуродни уйғотгани иймандим. Аранг ўрнимдан туриб, тумбочка устидаги жўмраги қадоқланган чойнакдаги совуқ чойни ютоқиб симиридим.

Эртасига билсам, ошналарим пивога ароқ қўшиб ичириб юборишган экан. Илгари ароқ ичмаганим учун тезда кайфим ошиб қолиб, роса томоша кўрсатибман. Курсдошларимга тоза маймун бўлибман. Ошналарнинг айтишича, қизлар мастилигимдан фойдаланиб, анча эрмак қилишибди. Мени ечинтиришибди-да ўzlари ҳам фақат ич кийимда қолиб мен билан танса тушишибди...

(Давоми келгуси сонда)

# ҚУДДУС АМАКИНИНГ САБОҚЛАРИ

## TO'RTINCHI SABOQ KITOBLAR HAQIDA

**ФАРЗАНДЛАРИНГИЗГА ЎҚИБ БЕРИНГ**

Assalomu alaykum, mening asal-qand farzandlarim! Bugun sizlarga Allohning kitoblari haqida so'zlab beraman. Diqqat bilan quioq soling.

Sizlar doim kitob o'qiysiz va unda aytilgan gaplarga rioya qilasiz. Chunki u hamisha yaxshilikka chorlaydi. Yomonlikdan qaytaradi. Kitob – eng yaxshi ustoz, bilim xazinasi deyishadi.

Shunga o'xshab Alloh taolo ham insonlar yaxshi yashasin, savobli ishlar qilib jannatga kirsin, yomonliklarga, gunohlarga yo'l qo'yib do'zaxga tushib qolmasin, deb ogohlantirish uchun ularning yo'lboshchi rahbarlari bo'lgan payg'ambarlarga doimo o'z kitoblarini yuborib turgan.

Avvalgi kitoblar 10-50 sahifa ko'rinishida bo'lgan. Keyinchalik Muso payg'ambarga «Tavrot» degan, Dovud payg'ambarga «Zabur», Iso payg'ambarga «Injil» degan kitob yuborilgan. Odamlar ularni o'zgartirib, uning buyruqlariga bo'ysunmay qo'ygandan keyin Alloh o'zining eng oxirgi kitobi – Qur'oni karimni payg'ambarimiz Muhammad alayhissalomga yuborgan. U kishi esa bu kitobni butun xalqlarga o'rgatib, ana shunga bo'ysunib yashashni tayinlab ketganlar. Bu kitob qiyomatgacha o'zgarmaydi, hamma musulmonlar unga amal qilib yashaydilar.

Payg'ambarimiz o'qish-yozishni bilmasdilar. Shuning uchun Alloh taolo Jabroil farishta orqali 23 yil ichida Qur'onnei ozgina-ozginadan u kishiga yetkazgan va Payg'ambarimiz hammasini yodlab olaverGANLAR. U kishidan boshqa safdoshlari, ya'ni sahabalar yodlashni o'rganishgan. Shunaqa qilib, Qur'oni karimning oyatlarini hamma yodlab olgan. Ma'nosini o'rganib, unga amal qila boshlagan. Qur'on tushib bo'lgandan keyin odamlar juda ko'p yomon ishlardan voz kechib, ibratli, savobli ishlarni qila boshlashgan. Chunki Qur'on ular-

ni Allohning mukofotini olishga, jazosidan qo'rqishga o'rgatgandi-da!

Qur'onning bir jumla gapi «oyat» deyiladi. 3 oyatdan 286 oyatgacha bo'lgan alohida bobi «Sura» deyiladi. Qur'on arab tilidadir, shuning uchun uni o'qib, ma'nosini bilib olaman degan bolalar arab tilini o'rganishadi. Yaqinda namoz o'qishni boshlaydigan bo'lsangiz, sizlar ham Qur'onдан bir necha suralarni kattalar o'rgatganiday qilib yodlab olishingiz kerak bo'ladi. Chunki namozda tik turganda Qur'on suralarini o'qiysiz. Qur'onning ma'nosini boshqa tillar qatori o'zbek tiliga ham tarjima qilingan.

Qur'on Allohning kitobi bo'lgani uchun u juda ham tabarruk sanaladi. Shuning uchun uning nomiga «Karim», «Majid» degan so'zlarni qo'shib aytasiz. Uni tahoratsiz ushlamaysiz. Hamisha tokchalarda, javonlarda saqlaysiz. Ustiga boshqa kitoblarni qo'ymaysiz. Qur'oni karim turgan tomonga oyoq uzatib yotmaysiz. Uni yirtmay, varaqlarini buklamay, avaylab o'qiysiz. Agar biror varag'i yoki parchasi yerga tushib ketgan bo'lsa, avaylab olasiz, o'pib kitob ichiga joylab qo'yasiz.

Qur'oni majidni o'qigan va o'rgatganlar eng yaxshi musulmonlardir. Chunki boshqa kitoblarni o'qisangiz faqat o'zingizga foyda! Qur'oni karimni o'qisangiz ham sizga foyda, ham bu Allohga ibodat (xizmat) qilganga tenglashgani uchun Undan mukofot olasiz. Sizdan bir iltimosim bor, aziz bolajonlarim, Sizlar ham Qur'onnei o'rganinglar, doimo o'qib yuringlar, boshqalarga ham o'rgatinglar. Yangi mashg'ulotimizga Qur'oni karimning birinchi – «Fotiha» surasini yaxshi o'rganib kelsangiz, Quddus amakingizni rosa xursand qilgan bo'lardingiz.

**Эй Роббимиз, бизни ҳидоят  
қилганингдан сўнг қалбларимизни  
оғдирмагин ва бизга йуз  
хузурингдан раҳмат ато қилгин.  
Албатта Сенинг йўзинг кўплаб  
ато қилувчисан.**

**Оли Имрон сураси, 8-оят**

